БУТУН ДУН'Ё ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

№ 163 (6590)

16 АВГУСТ 1946 йил ЖУМА

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БУГУНГИ СОНДА:

Пахтакорлик агротехникаси ва механизацияси юзасидан иккинчи республика кенгаши (1-нчи бет).

Италия ва тинчлик ўрнатиш. — В. М. Молотовнинг Париж Конференциясида 13 августда сўзлаган нутқи (2-нчи бет).

Қ. Юсуфий. — Фарғона областида мактаблар ремонти нега суст бораётир? (2-нчи бет).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ. **Т. Абдувалиев.** — Хўжаобод райком секретарининг раҳбарлик услуби **М. Элмуродов.** — «Билимдонлар» (3-нчи бет).

Саид Назар. — Фидокорлар ва беҳаё кишилар (3-нчи бет).

А. Хайитов. — Ғозғон мармари (3-нчи бет).

Париж Сулҳ Конференциясида (3-нчи ва 4-нчи бетлар).

Югославия ҳукумати Америка Қўшма Штатлари ҳукуматига нота топширди (4-нчи бет).

Хавфсизлик кенгашининг Бирлашган миллатлар ташкилотига янги а'золар қабул қилучи комиссиясининг мажлисида (4-нчи бет).

Партия ташкилотларининг муҳим сиёсий-хўжалик вазифаси

Ўзбекистон Коммунист (бельшевик)лар Партияси Марказий Комитетининг «Қишлоқ хўжалик артели Уставини бузиш ва колхоз мол-мулкини талон-тарож этишга қарши курашни кучайтириш чоралари тўғрисида»ги 16 июль қарори колхоз қурилишига раҳбарлик соҳасида Ўзбекистон партия ташкилотларининг ишидаги жиддий хато ва камчиликларни очиб ташлади.

Шу қарор э'лон этилгандан кейин партия ташкилотлари, қишлоқ хўжалик артели Уставини бузишга қарши кураш, колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш соҳасида бирқанча ишлар қилдилар. Колхозларнинг кўпчилигида томорқа ерлари ўлчаб чиқилди, колхозларнинг молия-хўжалик аҳволи чуқур текширишдан ўтказилди. Колхоз ерини, мол-мулкини талон-тарож қилган жиноятчилар жавобгарликка тортилмоқда.

Партия ва совет органларининг бу ишлари колхозчилар оммасининг сиёсий фаолиятини янада оширди, партия ташкилотларида танқид ўз-ўзни танқиднинг қизиб кетишига сабаб бўлди.

Марказий комитет қароридан кейин Хоразм областида 12 миллион сўмдан ошиқ дебиторлик қарзлари, шу жумладан 4 миллион сўм растрат ундирилди. Колхозчиларга меҳнат кунлари учун тегишли 6 миллион сўм аванс тўланди. Самарқанд область, Фориш районидагина колхозлардан ғайри қонуний равишда олинган 130 қорамол, 18 от, 500 қўйэчки колхозларга қайтариб берилди. Жамоат ерларидан фойдаланишда мустаҳкам тартиб ўрнатилди.

Область партия комитетларининг яқинда бўлиб ўтган пленумларида, Уставни бузиш ҳодисалари, колхозларга амалий раҳбарлик масалаларида йўл қўйилган кўпгина хато ва камчиликлар очиб ташланди. Пленумлар маҳаллий партия, совет ташкилотларининг бу соҳадаги амалий вазифаларини белгилаб бердилар.

Бирқанча колхозларда қишлоқ хўжалик артели Уставининг бузилиши дастлаб район партия комитетлари, колхоз бошланғич партия ташкилотлари томонидан колхозчилар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларнинг бўш қўйилганлиги, колхоз қурилишига раҳбарликдаги юзакичилик натижасида келиб чиқди. Район партия комитетлари колхозларни чуқур ўрганиш ва уларга кун сайин амалий раҳбарлик қилиш ўрнига, давлат органларининг ўрнини босиш майилларига берилиб кетдилар. Ба'зибир район партия комитетлари колхоз қурилишига раҳбарликни фақат колхоз раислари орқали амалга оширадилар. Райком бюро йиғилишларига колхоз раисларигина чақирилади. Бундай раҳбарлик, колхоз бошланғич партия ташкилотларининг ролини камситади, коммунистларнинг колхоз иши учун жавобгарлик ҳиссини камайтиради.

Қишлоқ хўжалик артели Уставининг кўп жойларда бузилишига асосий сабаблардан яна бири, колхоз демократиясига риоя қилмасликдир. Колхоз раислари колхозчиларнинг умумий йиғилишларида тез-тез ҳисоб бериб турмайдилар. Тафтиш комиссиялари ёмон ишламоқда. Самарқанд областида бир йил мобайнида 250 колхознинг раиси ўзгартирилган. Қизиғи шундаки, буларнинг кўпи колхозчилар умумий йиғилишининг қарори бўлмасдан туриб ишдан олинган. Колхоз демократиясига тўла амал қилиш, правления раисларининг колхозчилар олдида тез-тез ҳисоб беришини йўлга қўйиш, тафтиш комиссияларининг ишларини жонлантириш керак.

Партия ташкилотларининг энг муҳим вазифаси — давлат ташкилотларига (область, район ер бўлимлари, техника экипажлари бўлими ва бошқаларга) раҳбарликни кучайтириш, бу аппаратларни синалган кадрлар блан мустаҳкамлашдан иборатдир. Колхоз қурилишида раҳбарлик масалаларида бу ташкилотларни четлаб ўтиш эмас, балки уларнинг обрўсини кўтариш, колхозларнинг иши учун улардан кўпроқ жавобгарлик талаб қилиш лозим.

ЎзК(б)П Марказий Комитетининг 16 июль тарихли қарори район партия комитетларининг навбатдаги пленумларида, колхоз активларининг йиғилишларида муҳокама қилинади. Вазифа — пленум ва актив йиғилишларида большевикча танқид, ўз-ўзни танқидни кучайтириб, қишлоқ хўжалик артели Уставини бузиш фактларини тўла фош қилиш, жиноятчиларга қаттиқ жазо бериш, бундан кейин шундай ярамас ҳолларнинг такрорланмаслиги учун амалий чоралар белгилашдир. Бунинг учун колхозчиларнинг томорқа ерларини ёпиасига ҳисобга олишни, ортиқча ерларни колхозларга қайтаришни, растрат қилинган пуллар ва талон-тарож этилган мол-мулкларни аниқлашни тез орада тамомлаш, колхозларнинг дебитор ва кредитор қарзларини тугатиш лозим.

Афсуски, ЎзК(б)П Марказий Комитетининг катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган шу қарори бирқанча районларда тўла равишда амалга оширилмаётир. Андижон областининг Хўжаобод районида, Тошкент областининг Тошкент қишлоқ районида колхозлардаги жиноятчилар тўғрисида берилган сигналлар оқибатсиз қолдирилмоқда. Хўжаобод район партия комитетининг секретари ўртоқ Ёдгоров ўз ишидаги камчиликлар ҳақида «Коммунист» газетасида берилган сигналларни нотўғри деб, камчиликларни хас-пўшлаб ўтиш блан шуғулланмоқда.

Шофрикон район партия комитетининг секретари ўртоқ Ниёматов ва район ижроком раиси ўртоқ Сатторов Тезгузар қишлоқ советидаги Сталин номли колхознинг рапортларига ва юзаки ютуқларига маҳлиё бўлиб, собиқ раис Яхшибоевнинг катта жиноятларини бирқанча вақтларгача пайқамаганлар. Бундай аҳвол колхоз ҳаётининг майда-чуйдаларига, колхозчиларнинг сигналларига э'тибор бермаслик ва ўз-ўзни танқиднинг йўқлиги натижасидир, халос.

Партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари, қўлга киритилган ютуқлар блан хотиржамланиб қолмаслик кераклигини, ҳозир мамлакатимиз олдида турган улуғвор вазифалар ҳарбир раҳбар ходимдан борган сари яхшироқ ишлашни кескин талаб этаётганлигини тушинишлари керак.

Ленин-Сталин, ҳокимият тепасида турган ва бир ғалаба кетидан иккинчи ғалаба қозонаётган большевиклар партияси учун хотиржамлик қайфияти, олға қараб қилаётган ҳаракатимизни чиппакка чиқариш демакдир, бундай ҳол юз бермаслиги учун ўз-ўзни танқид керак деб ҳар доим та'лим бериб келдилар.

Ўз-ўзни танқид оммaнинг активлигини кучайтиради, меҳнаткашларни мамлакатимиз олдила турган вазифаларни бажариш учун сафарбар қилишда партия ташкилотларига ёрдам беради. Партия раҳбар ходимларининг халқ олдидаги обрўсини оширади. Аксинча, ўз-ўзни танқид бўлмаган жойда манманлик, оммадан ажралиб қолиш, тўрачилик қайфиятлари авж олади, жиноятчи ярамас унсурларнинг бемалол ҳаракат қилиши учун имконият туғилади.

Колхозларда жамоат хўжалигини мустаҳкамлаш ва қаттиқ давлат интизоми ўрнатиш учун курашни кучайтириш Ўзбекистон партия ташкилотининг энг муҳим ва энг зарур хўжалик-сиёсий вазифасидир. Пахтачиликни тиклаш ва юксалтириш ҳақида ҳукумат қарорининг муваффақият блан бажарилиши партия ташкилотларидан колхоз қурилишига раҳбарликни тубдан яхшилашини, қишлоқ хўжалик артели сталинча Уставининг тўла амалга оширилишини талаб қилади.

СОВЕТ ИТТИФОҚИДА

МАГАЗИН ВА ОШХОНАЛАРНИНГ САНИТАРИЯ АҲВОЛИ ТЕКШИРИЛАДИ

Касаба ташкилотлари ва давлат санитария назорати магазин, ошхона, нонвойхона, омбор ва базаларнинг санитария аҳволини текшириб чиқдилар. 118 минг магазин, ошхона ва бошқа озиқ-овқат корхоналари текширилди. Текшириш натижасида кўпгина магазин, ошхона ва озиқ-овқат корхоналарида санитария аҳволи анча яхшиланди, 38 мингдан ортиқ ошхона ва магазин ремонт қилинди. Броқ, кўп жойларда озиқ-овқат корхоналарининг санитария аҳволи ҳали яхши эмас. Озиқ-овқат корхоналарида ҳархил камчиликлар аниқланган, министрликлар ўз корхоналарида бу кам-кўстларни тугатиш юзасидан чоралар кўрмоқдалар. ошхона ва магазинларни ремонт қилмоқдалар, янги ошхона ва магазинлар қурмоқдалар. Фабрика ошхоналарни тикламоқдалар ва ҳоказо.

ВЦСПС Президиуми касаба союзларининг марказий комитетларига ошхона, магазин, омбор ва нонвойхоналарнинг ишини ва санитария аҳволини доимо назорат қилиб туриш мажбуриятини юклади. Касаба союзларининг марказий. республика, область, фабрика, завод ва маҳаллий комитетлари ошхона ва магазинларнинг қишки шароитда ишлашга қандай тайёрланаётганликларини давлат санитария назорати ва хўжалик ташкилотлари блан биргалашиб, 1946 йил сентябрь — октябрь ойларида текшириб чиқишлари ҳамда аниқланган камчиликларни тугатиш юзасидан зарур чораларни кўришлари керак. (ТАСС).

ТУРКМАНИСТОНДА ПАХТА ТЕРИЛА БОШЛАДИ

АШХАБОД, 10 август (ТАСС). Хўжамбос районидаги «Большевик» колхозининг Ҳамро Эминов номли бригадаси эрта экилган ерлардаги пахтани теришга киришди. Икки кун ичида 1.200 килограмм пахта терилди. Колхозчилардан Сафарова ва Оқбоевалар ҳар икки кунда норма бўйича 24 килограмм ўрнига, 45 килограммдан пахта тердилар. Тайёрлаш пункти терилган ҳамма пахтани отбор сорт ҳисобига қабул қилди. Шу райондаги «Қизил байроқ» колхози ҳам тайёрлаш пунктига янги ҳосилдан 800 килограмм биринчи сорт пахта топширди.

100 МИЛЛИОН ЖУФТ ПОЙАФЗАЛ УЧУН КУРАШ

Мамлакатда энг йирик пойафзал фабрикаси — «Парижская Коммуна»нинг 25 йиллиқ байрами яқинлашмоқда. Фабрика коллективи бу кунни меҳнат соҳасида янги муваффақиятлар блан кутиб олишга тайёрланмоқда. Фабрика ишга туширилган кундан буён 98.109.800 жуфт пойафзал ишлаб чиқарилди. Фабрика коллективи юбилей куни 1947 йил 18 мартгача 100 миллион жуфт пойафзал ишлаб чиқариш мажбуриятини олди. (ТАСС).

ТОШКЕНТ ТЕАТРИ УЧУН ҚАНДИЛЛАР

Таллиндаги «Тервеклсас» шиша заводи Тошкентда қурилаётган ЎзССР опера ва балет театри учун қандиллар тайёрламоқда. Қандиллар биллур ва ойнадан ясалади. Ҳозирги вақтда қандиллар учун ишлатиладиган биллур ва ойналар пардозланмоқда.(ТАСС).

ШАКАРҚАМИШ СОВХОЗИ

Вахш ва Ҳисор водиларидаги Фрунзе, Калинин номли ва «Қизил нишон» колхозларининг ерларига бундан беш йил илгари шакарқамиш экилган эди. Келгуси баҳорда Ворошиловобод районида шакарқамиш ўстирадиган биринчи совхоз ташкил қилинади. Вахш тажриба станцияси совхоз учун шакарқамиш уруғи етиштирмоқда ва Тожикистон шароитида ўсимликни парвариш қилиш агротехникасини белгиламоқда. (ТАСС).

ИККИТА ЮТУҚ ТИРАЖИ

16 августда Москва областидаги Митишчи шаҳрида иккита ютуқ тиражи: учинчи Бешйиллик (биринчи йилги чиқарилиши) Заёмининг 31-нчи тиражи ва Учинчи Бешйиллик (биринчи йилги чиқарилиши) Заёмнинг 27-нчи тиражи бўлади.

Учинчи Бешйиллик (биринчи йилги чиқарилиши) Заёмининг тиражида 76.988.100 сўмлик 457.500 ютуқ ва Учинчи Бешйиллик (иккинчи йилги чиқарилиши) Заёмининг тиражида 89.325.400 сўмлик 540.200 ютуқ ўйналади.

ЛЬВОВДА ЯНГИ ГАЗЛАМА ФАБРИКАСИ

Львовдаги энг йирик артельлардан бири ҳисобланган «Красний Октябрь» артели негизида, янги газлама фабрикаси қурила бошлади. Янги корхона учун зебоб-ускуна, тараш машиналари, дастгоҳлар ва бошқа ускуналар келтирилаётир.

Фабрика шу йил охирида биринчи маҳсулот — газлама ва ип бера бошлайди. (ТАСС).

Пахтакорлик агротехникаси ва механизацияси юзасидан иккинчи республика кенгаши

14 августда, Тошкентда пахтакорлик агротехникаси ва уни машиналаштириш юзасидан иккинчи республика кенгаши очилди.

Кенгашга Ўзбекистондаги барча область, район техника экинлари бўлимларининг бошлиқлари, агрономлари, юқори ҳосилли колхозларнинг раис ва тажрибакорлари, совхоз агрономлари, МТС директорлари, агроном ва механизаторлари, шунингдек пахтачилик соҳасида иш олиб боручи илмий ташкилотларнинг кўп илмий ходимлари қатнашмоқда.

Кенгашда ЎзК(б)П Марказий Комитетининг секретарьлари Усмон Юсупов ва Билбас, СССР Техника экинлари министрининг ўринбосари Косов, ЎзССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ниёзов, ЎзССР Ер ишлари министри Муҳамеджонов, Техника экинлари министри Раҳимов ўртоқлар иштирок этмоқда.

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Билбас кенгашни очиб, бу йиғилишдан мақсад, ғўза парваришини ва пахта теримини машиналаштириш, шунингдек Иттифоқ ҳукуматимизнинг 1946 йил 2 февральда «Ўзбекистонда 1946 — 1953 йиллар мобайнида пахтачиликни тиклаш ва янада ривожлантириш плани тўғрисида» деб чиқарган қарорига биноан агротехника соҳасида амалий чоралар ишлаб чиқишдан иборатдир, деди.

Ҳукуматимизнинг бу қарори блан пахта мўл ҳосили учун курашда янги бир давр бошланадики, бунда ғўза парвариши ва пахта теримининг барча ишларини ҳар тарафлама машиналаштиришга тўғри келади. Пахтачилик соҳасидаги энг илғор илмий усуллар амалга оширилади.

Биз ўзимизнинг барча ишларимизни кўздан кечириб, камчиликларимизни очиб, олдимизга қўйилган янги талаб ва янги вазифаларга мувофиқ агрономия қоидаларини ишлаб чиқишимиз керак.

Кенгашда Ўзбекистон ССР техника экинлари министри ўртоқ Раҳимов пахтакорлик агротехникасини яхшилаш ва машиналаштириш ҳақида доклад қилди.

Ўртоқ Раҳимов, пахтачиликни тиклаш ва уни янада ривожлантириш юзасидан олдимизга қўйилган вазифалар тўғрисида муфассал сўзлаб, айниқса сўнгги йилларда пахтачилик агротехникаси жуда суст лашиб, машиналаштириш иши э'тибордан бирмунча четда қолганлигини кўрсатиб ўтди. Уруш йилларида пахта ҳосилининг камайиб кетганлигига асосий сабаблардан бири ерни юза ҳайдаш, чигит экиш олдидан ўтказиладиган ишларнинг сифатсиз бажарилиши, машина блан ўз вақтида чигит экиб улгурмаслик, чопиқ ва культивация ишларини ёмон сифат блан бажариш, суғориш, ғўза ҳашаротларига қарши кураш каби асосий парвариш ишларини ёмон бажариш бўлди. Айниқса ерларни кузги шудгорлаш иши орқала қолди.

Ма'лумки, пахтадан энг юқори ҳосил олишни истаган ҳарбир хўжалик биринчи навбатда кузги шудгорлашни ўз вақтида юқори сифат блан ўтказиб олади. Ҳақиқатан ҳам ерни кузда чуқур ҳайдашда ҳислат кўп. Пахтакорликда энг асосий ишлардан бири кузги шудгорлашдир. Бу иш ёмон ўтказилган жойда пахта ҳосили юқори бўлмайди.

Кузги шудгорлашнинг ўз вақтида бажарилмаслигига сабаб пахта теримининг кечикиши ва ер ғўзапоядан тез бўшамаслигидир. Айрим район раҳбарлари пахта териш ва ғўзапоя юлиш ишини ўз вақтида тамомлашга етарли аҳамият бермайдилар. Улар ғўза кўсагини октябрьдан кейин ҳам очилаберади деб ўйлайдилар. Ҳолбуки, ғўза октябрь ўрталарида ўсишдан тўхтаб, кузги совуқдан кейин 7—10 кунгина очилади. Бу вақтдан кейин пахта очилишини кутиш нотўғри. Пайкалдаги ғўзаларда бироз кўсак қолган тақдирда ҳам ғўзапояни юлишга киришиб, шудгорлашни бошлаб юбормоқ зарур.

Биз пахтачилик ишларини шундай йўлга солишимиз керакки, ундаги барча ишлар ўз вақтида ўтсин. Бунинг учун машинадан, биринчи навбатда трактордан, ғўзапоя юладиган, ерни юмшатадиган, ариқ тозалайдиган, экин ораларини чопадиган ва ҳоказо машиналардан тўла фойдаланиб, агротехниканинг бошқа барча ишларини шу машиналар иши блан боғлаб олиб бориш керак.

Зовур ва коллекторларни тозалаш ишига кам аҳамият берилмоқда. Бизда шўр босган ерлар кўп. Бу ерларни кеч кўз ва қиш даврида (ноябрь, декабрь ойларида) ювиш катта аҳамиятга эга. Ўтган йил шўр босган пахта ерининг 325 минг гектари ювилган эди. Бу йилги пахта ерининг 532 минг гектари ювилди. Кўп районларда шўрни ювиш ўз вақтида ўтказилмайди. Айниқса Хоразм область ва Қорақалпоғистон АССРда бу иш жуда кечикиб, чала ўтказилади.

Бу йилги пахтачиликда йўл қўйилган хатолардан яна бири шу бўлдики, эрта кўклам чигит экилгандан кейин ушинг тез униб чиқиши учун етарли кураш олиб бормадик. Кўклам қуруқ келишига қарамасдан, ер суғорилмасдан чигит экдик. Чигит қуруқ ерда унмай узоқ вақт ётди. Униб чиқа бошлаган ғўзаларни тезда культивация ва чопиқ қилмадик. Июнь ойида ғўза қатор ораларини 2—2,5 мартаба ишлаш ўрнига, 1—1,5 мартагина ишладик. Айрим колхоз, совхозларимизда чигит экиш блан қатор орасини ишлашда узилиш бўлди, я'ни улар чигитни экиб бўлиш блан ғўза парваришига киришмадилар.

Қатор ораларини ишлашда трактор культиваторидан энг кўп фойдаланишимиз керак эди. Биз эса трактор ва культиваторларимизни ўз вақтида ремонтдан чиқаролмадик. Қўлимиздаги ҳайдов тракторларидан 986 таси, қатор ораларини ишлайдиган тракторлардан 1.590 таси кўкламги ишларимизга қатнашмади. Республикамиз бўйича тракторларнинг кундалик иш унуми пландаги 4,5 гектар ўрнига, 2,4 гектар бўлди. Шунингдек трактор сеялкаларининг ҳам иш унуми жуда паст бўлди.

Агрономларимиз трактор паркининг тўла ва тўғри ишлаши учун ҳам жавобгар эканликларини тушинишлари керак. Афсуски, улар бу ишда кўпинча тамошабинчиқа бўлиб қоладилар.

Ғўзани шаҳмат усулида ишлашнинг зарурлиги тўғрисида жуда кўп сўзлаймиз. Броқ бу тўғридаги планни бажармаймиз.

Агроном қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришида, айниқса ҳарбир ишни машиналаштиришда, агротехниканинг янги усул ва тадбирларини амалга оширишда қаттиқ қўллик раҳбар бўлиши керак.

Ғўзани ўғитлаш учун ма'дан ўғит кўп олинди. Броқ бу ўғитларни ўз вақтида жойларга етказолмадик. Ўғитнинг ғўза ҳосилини кўтаришда қанчалик катта аҳамиятга эга эканлиги ҳаммага ма'лум. Броқ, ўғитни қай вақтда, қандай усулда ғўзага солиш масаласига э'тибор этилмайди. Ма'дан ўғитни қўлда сепилгандан кўра машина блан ерга чуқур солиш, бу ўғитни якка ўзидан кўра ғўнга аралаштириб солиш ва ерга солиш муддатини тўғри аниқлаш катта аҳамиятга эга.

Ўртоқ Раҳимов пахтадан мўл ҳосил олишда илғор ўринларни эгаллаган бирнеча колхоз ва райоплардан мисоллар келтириб, уларнинг бу ютуқларини агрономларнинг ташаббуси блан, айниқса уларнинг тажрибакор колхозчилар блан биргаликда ишлашлари орқасида қўлга киритилганлигини кўрсатиб ўтди.

Броқ, шундай агрономларимиз ҳам борки, улар катта иш стажига, олий ма'лумотга эга бўлатуриб, колхоз ишини тўғри ташкил эта олмайдилар. Булардан кўплари идора ходимига айланиб қолганлар. Натижада, булар хизмат қилаётган колхоз планни бажара олмайди, колхозчиларнинг моддий аҳволи ёмонлашади, агрономнинг обрўси пасаяди.

Республикамиздаги агрономия хизмати тартибини қайтадан кўриб чиқишимиз керак. Агроном тўла ҳуқуққа эга бўлган агро-участкани қайтадан тиклаши керак. Бундай агро-участка 12—15 колхозга хизмат этмоги лозим. Агро-участкaнинг штати: участка агрономи, икки-уч агротехник, участка механиги, статистик, инструктор ва бухгалтердан иборат бўлиши керак. Бундай участкаларда ҳосилотхона яна қайтадан ташкил этилиб, колхозчилар агрономия маслаҳати блан бирга, илғор агротехника қўллаганда қандай натижалар олиш имкониятини ўз кўзлари блан кўрсинлар.

Қишлоқ хўжалик мутахассисларининг ҳозирги вазифалари пахта ҳосилини теріб давлатга топшириш ишини ташкил этишдан иборатдир. Агрономлар пахтани сорти бўйича алоҳида-алоҳида теришни уюштиришлари керак.

Бу йил айниқса ғўза-беда алмашлаб экиш усулини амалга ошириш ишига алоҳида э'тибор этилади.

Биз кузги шудгорлаш ва келаси йил кўкламги ҳайдашни 90 процент, чигит экиш ва қатор ораларини ишлашни 80 процент машиналаштиришимиз керак. Ғўзамизнинг камида 40 процентини қирқма шаҳмат усулида ишлашимиз керак. Демак, агрономларимизнинг ҳозирги вазифаларидан яна бири трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарининг юқори сифатли ремонт қилинишига эришмоқдан иборат бўлиши керак.

Ўртоқ Раҳимов сўзининг охирида шундай деди:

— Илмий ходимларимиз ва қишлоқ хўжалигининг мутахассислари пахтачиликнинг барча ишлари юзасидан янги ип усулларини, пахтадан мўл ҳосил олишнинг янги тадбирларини кўрсатиб берарлар. Мутахассисларимиз партия ва ҳукумат томонидан республикамизда пахтачиликни ривожлантириш юзасидан қўйилган вазифани шараф блан бажарадилар.

15 августда ўртоқ Раҳимов доклади юзасидан музокаралар давом этди.

Пахтакорлик агротехникаси ва механизация юзасидан очилган иккинчи республика кенгаши залида.

М. Пейсон фотоси.

БУТУН ИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ

Стахановчилар сони кўпаймоқда

«Қизил тонг» тикув фабрикасидаги тикучи аёллар Бутун Иттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, ярим йиллик планни муддатидан аввал бажардилар.

Тайёр кийимларнинг хили тобора кўпаймоқда, сифати яхшиланмоқда. Фабрикада ўзаро социалистик мусобақа кучайиб кетди. Натижада ҳар куни икки норма ало этучи тикучилар сони 100 га яқинлашиб қолди. Фабрика ишчиларининг қарийб 95 проценти ўзаро мусобақалашмоқда.

Тикучилардан Мовлонова, Юдина, Швецова ва бошқа ўртоқлар ҳар куни иккиуч кишининг ишини қилаётир.

«Қизил тонг» тикув фабрикасида илғор ишчиларнинг ихчамлаш таклифлари ва яхши маслаҳатлари тезлик блан амалга оширилаётир. Яқин фурсатда амалга оширилган 20 та таклифнинг ўзидан бир йилда 110 минг сўм фойда келиши кутилади.

ХРОНИКА

СССР Олий Советининг Президиуми ўртоқ Александр Никитич Абрамовни СССРнинг Финляндиядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси қилиб тайинлади.

Ўртоқ Павел Дмитриевич Орлов бетоблиги сабабли СССРнинг Финляндиядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасидан озод қилинди. (ТАСС).

ИТАЛИЯ ВА ТИНЧЛИК ЎРНАТИШ

В. М. МОЛОТОВНИНГ ПАРИЖ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА 13 АВГУСТДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Биз, Италия блан тузиладиган сулҳ шартномасининг лойиҳаси тўғрисида де Гаспери жаноблари нутқини эшитдик. Агар бу нутқ янги Италиянинг сиёсатини тўғри акс этдирадиган бўлса, унда айтилган гаплар ҳам, айтилмай қолган гаплар ҳам диққатга лойиқдир. Ҳар қолда сулҳ шартномаси лойиҳасига хилоф бўлган ва кўпгина англашилмовчилик туғдира оладиган бу нутқни жавобсиз қолдириш ярамайди.

I.

ИТАЛИЯГА БИЗНИНГ МУНОСАБАТИМИЗ

Совет Иттифоқининг Италияга нисбатан бўлган қарашларини жуда қисқа баён қилиш мумкин. Бу қарашлар бу ерда ҳозир бўлган вакиллардан кўпининг фикрига тўғри келади деб ишонаман.

Италиянинг тарихий хизматлари ҳаммага ма'лум. Италия ўтмиш тарихда ҳам, янги тарихда ҳам катта ўрин олди. Ҳаммаси унинг маданиятини, итальян халқининг миллий-озодлик ҳаракатини ва юксак ижодий қобилиятларини доим тақдирлади. Биз, совет кишилари, Италиянинг келажакда ҳам буюк давлат бўлиб қолишига ишонамиз. Буюк итальян халқи ҳозирги қийинчиликлардан қутилади ва улуғ ва озод Италияга муносиб суратда миллий тараққиёт ва юксалишнинг кенг йўлига ҳақиқатан ҳам чиқиб олади. Биз бунга шубҳа қилмаймиз.

Бу Сулҳ конференциясида бизни дастлаб Италиянинг Европадаги бошқа халқлар ўртасида тутган ўрни қизиқтиради. Италиянинг бошқа халқлар блан дўстлик ўрнатиш ва Европада тинчликни та'миндашда нечоғлик муҳим омил бўла олиши айниқса муҳимдир. Ма'лумки, биринчи жаҳон урушидан кейин Италия бошқа йўлдан кетди. Муссолини Италияси империалистларга хос босқинчилик программасини э'лон қилди ва ўз иштаҳаларини кичик халқлар, я'ни Албания, Ҳабашистон халқлари ҳисобидан қондириб, бошқаларнинг ерларини забт этишга киришиб кетди. Фашистлар Италияси Европада гитлерчилар иттифоқининг таянчи бўлиб қолди, шундан кейин эса, Германия ва Япония блан бирликда Коминтернга қарши деган сохта ниқоб остида дунёга ҳоким бўлишга интилган герман ва япон империалистларининг авантюристик планларини амалга ошириш йўлидан борди. Фашистлар Италияси гитлерчилар Германияси блан иттифоқ бўлиб босқинчилик уруши қилганлиги учун қаттиқ жавобгардир. Албания ва Ҳабашистонга нисбатан қилинган вахшиёна агрессия учун, шунингдек Югославияга ва Грециягa қилинган қонли ҳужум учун ва Франция ҳамда Совет Иттифоқига қабиҳлик блан қилинган ҳужум учун жавобгардир. Сталинград ёнида немислар тор-мор қилинганидан кейин, инглиз-америка қўшинлари Шимолий Африкада ва Италиянинг жанубида муваффақиятли ҳужум бошлаганларидан кейингина фашист усул идораси қулади ва Италия демократик асосларда ташкил қилина бошлади. Ўша пайтдан э'тиборан Италиянинг агрессия ўчоғи ҳолатидан чиқиб, Европада мустаҳкам тинчликнинг муҳим омилига айланиши учун имконият туғилди.

Германия ва унинг фашист иттифоқчилари тор-мор қилиниши натижасида Европада катта ўзгариш бўлди. Ҳозирги вақтда иттифоқчи давлатлар Германияни демократик йўллар тараққий эттириш ва Германиянинг янги агрессив куч сифатида яна тикланишга йўл қўймаслик имконига эгалирлар. Айниқса Италия тўғрисида шу гапларни айтиш мумкин. Бу гапдан Италия республикаси Европада иккинчи даражали, кучсиз давлат бўлиб қолиши керак деган ма'но келиб чиқмайди. Бу гапдан Италия Ўрта денгизда муҳим сиёсий омил сифатидаги аҳамиятини йўқотиши керак деган ма'но ҳам келиб чиқмайди. Ҳозирги вақтда ба'зи улуғ давлатлар Ўрта денгиз қирғоғида энг муҳим давлатлардан Италиянигина эмас, балки ҳулди шундай муҳим давлат бўлган Францияни ҳам четга суриб, Ўрта денгизда ҳоким бўлиш учун уринмоқдалар. Бундай аҳвол Европа давлатлари ўртасида дўстона муносабатларни кучайтиришга ёрдам беролмайди ва Европада мустаҳкам тинчлик ўрнатиш манфаатларига муносиб бўлолмайди. Франциягина эмас, балки Италия ҳам Ўрта денгиз бўйидаги давлат ҳолида қолишларига ишонч ҳосил қилишлари лозим. Кичик давлатларни босиб олиш ва забт этиш йўли блан яхши ҳаёт кечиришга тиришган фашистлар Италияси халқлар олдида ўз обрўсини тўкди ва ҳалок бўлди. Янги Италия ўзининг ички кучларини ҳар тарафлама ривожлантириш асосида миллий тараққиётга интилар экан ва ўз қўшнилари блан ҳамда барча сулҳпарвар мамлакатлар блан дўстона муносабатлар ўрнатишга ҳаракат қилар экан, барча демократик давлатлар уни актив суратда қўллаб-қўлтиқлашлари керак. Шуғлай бўлганда Италия республикасининг Европада тинчлик ва тараққиётнинг кучли омили сифатида мустаҳкамланишига шубҳаланиш мумкинми?

Фашизм агдарилганидан кейин янги Италиянинг мустаҳкам йўлга бирланига ўтиб олиши осон эмас. Янги Италия илгор демократик республика бўлиш учун бутун сиёсий қаётини тублан қайта қуриши керак; у иқтисодий соҳада демократик Италияга душман бўлган кучлар томонидан қилинаётган саботажни йўқотиши керак; кенг халқ оммаси ўртасида тарбия ишларини янгича уюштириши зарур. Бу соҳада тескарини кучлар фашизмнинг қолиқлари блан иттифоқ бўлиб, юзларига ниқоб тортиб ва янги вазиятга мослашиб ўз мавқе'ларини сақлаш учун зўр бериб урунмоқдалар. Италия фашизм қолдиқларини ва фашизм мафкурасини батамом йўқотмай туриб, демократик республика бўлолмайди. Фашизм йигирма йиллан ортиқ вақт мобайнида итальян халқининг онгини захарлаб келганлигини ва бунинг учун моддий ва руҳий та'сир кўрсатишнинг ҳамма воситаларидан фойдаланганлигини эсга олганда, бу вазифа ҳали тўла бажарилмаганлиги равшан.

II.

ДЕ ГАСПЕРИ БАЁНОТИ ВА ЭСКИ БОСКИНЧИЛИК ДА'ВОЛАРИ

Де Гаспери жаноблари нутқи Италия блан тузиладиган сулҳ шартномаси муносабати блан пайдо бўлган масалаларга асло етарли жавоб беролмайди. Бу нутқ Италияни демократик давлат сифатида тиклашга доир асосий масалаларни э'тиборсиз қолдириш йўлидаги бир урининг бўлиб, фашист империализмининг агрессиячилик сиёсатидан воз кечиш ва бу сиёсатни қоралаш истаги борлигини асло ифода қилмайди.

Италия делегациясининг бошлиғи Италияни жуда оғир аҳволга солган фашизмни қоралаш учун сўз тополмади. Италия ўзё, фашизмнинг ҳамма қолдиқларига хотима берган ва фашизмдан мерос бўлиб демократияга қарши қаратилган салқиларни унутса бўлар экан деб ўйлаш мумкин. У ўз нутқида Муссолини ҳукуматининг авантюристликдан иборат ташқи сиёсатини қоралаб, бир сўз ҳам айтмади. Мусолини ҳукуматининг бу ташқи сиёсати Италиянинг қўшниларига ва бошқа халқларга ғоят кўп зарар етказилиги, бу ҳол Италия зиммасига катта жавобгарлик юклаган эди.

Бу ерда Италия делегацияси бошлиғи нутқининг ҳамма қисми тўғрисида батафсил сўзлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Аммо биз бир фактга э'тиборсиз қарай олмаймиз. Бу факт шундан иборатки, Италия делегацияси бошлиғининг нутқи ма'лум даражада ўз халқининг чинакам миллий манфаатлари ва қаёти эҳтиёжларини ҳимоя қилишга эмас, балки эски Италиянинг босқинчилик да'воларини қувватлашга қаратилди.

Де Гаспери жаноблари ўз нутқида Италиянинг Юлия ўлкасининг ғарбий қисми ва Триест шаҳрини зўр бериб да'во қилиб келаётганлигини қувватлаб айтган сўзларини эшитдингиз. У бу масала теварагида бор кучи блан ҳаракат қилиб, Италиядаги ҳозирги раҳбарларнинг ташқи сиёсат соҳасидаги интилишлари демократик асосда бўлган ташқи сиёсатдан жуда узоқ эканлигини кўрсатди. Фашистлар Италияси Юлия ўлкасида ўзи босиб олган славян территориясини ўз қўлида маҳкам ушлаган ва шарқдаги мамлакатларни босиб олишга интилган бўлса, Италия делегациясининг бошлиғи бу Конференцияда ана шу босқинчилик майиллари ҳозирги пайтнинг ҳақиқий имкониятига асло тўғри келмаслигини тушинмай қолмаслиги мумкин эмас эди. Унинг бутун Юлия ўлкасини эмас, балки унинг ғарбий қисмини, Истриянинг ғарбий қисмидаги ҳамма ерларни (Истриянинг ғарбий қиғоғида Истрия ярим оролидаги муҳим шаҳарлар ва портлар бор) да'во қилганлигига шуни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Делегация бошлиғи янги Италия номидан гапириб, эски империалистлар Италиясининг да'воларини яна қувватлади ва бу блан Италия ҳукуматининг ҳақиқатан ҳам янги, ҳақиқатан ҳам демократик асосдаги ташқи сиёсат йўлига ўтиб олиши амалга осон эмаслигини исбот қилди.

Истрия ярим ороли ва Триест шаҳри биринчи жаҳон урушининг охиригача ҳеч қачон Италиянинг бўлмаган эди. Австро-Венгрия империяси ҳалок бўлганидан кейин Италия ўлжа тариқасида Истрия ярим оролини олди, ҳолбуки бу ярим оролдаги аҳолининг кўпчилиги ҳамиша словенлар ва хорватлардан иборат эди. Бу блан Югославияга нисбатан жуда катта ҳатолик қилинди. Азалдан славянлар яшаб келган ерлар Югославиядан ажратиб олиниб, бутунлай асоссиз суратда Италия ихтиёрига топширилди. Биринчи жаҳон урушигача Истрия ва ундаги словен ҳамда хорват аҳолиси Австро-Венгрия империясининг зулми остида қолган бўлса, биринчи жаҳон урушидан кейин славянлар Истрияни фашистлар Италияси зулми остида қолди. Шу блан бирга Италия ма'мурлари славянлар яшовчи бутун Истрия ярим оролига ҳоким бўлиш учун Истриянинг бош шаҳридан ва шунингдек бошқа шаҳарларидан фойдаланиш мақсадида Триест шаҳри аҳолисининг итальянлар қисмини ҳар қандай чоралар блан кўпайтиришга тиришдилар. Бу сиёсат блан германларнинг «Дранг нах Остен» сиёсати, германларнинг славян территорияларини босиб олиш сиёсати ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ эди. Германиянинг славян ерларини босиб олиб, славян халқини немислаштириб, ўз территориясини шарқдаги ерлар ҳисобидан кенгайтиришга қандай интилганлиги тарихдан ма'лум. Австро-Венгрия империяси ҳам славян ерларини босиб олишдан иборат шундай сиёсатни амалга оширди. Фашистлар Италияси ҳам бу соҳада орқада қолишни истамади. Биз бу сиёсатнинг оқибатларини ҳам биламиз. Фашистлар Италияси Истрияни эгаллаганидан кейин, сўнгги уруш вақтида Югославияга ҳужум қилмоқ учун Германия блан биргаликда бу территориядан фойдаланди. Ҳақиқий аҳвол шундай.

Италия делегациясининг бошлиғи бу ерда агар бутун Истрия берилмаганида ҳам, ақалли унинг асосий қисми, я'ни Истриянинг бутун ғарбий қиғоғи берилсин деб да'во қилишдан ҳам тузукроқ гап тополмади. Унинг этник жиҳатни асос қилиб олиши ва Истриянинг қиғоқ бўйидаги шаҳарларида итальян аҳолиси кўпчиликни ташкил этади, деган да'волари славянлар яшайдиган Истриянинг бир қисмини Югославиядан ажратиб олиб Италия ихтиёрига топшириш учун мутлақо асос бўлолмайди, албатта. Италия делегациясининг бошлиғи ўз нутқида Ғарбий Истрия ва Триестга бўлган да'воларини асосий масала қилиб қўйди. Аммо биз бу да'волар янги, демократик Италиянинг да'воси деб э'тироф қилолмаймиз. Йўқ, бунинг тамомила аксидир. Бу, Италиянинг бошқаларнинг ерларини босиб олиш, азалдан славянларники бўлган ерларни босиб олиш тўғрисидаги эски да'воларини такрорлашдан бошқа бир нарса эмас. Эски да'воларни такрорлаш ва империалистик традицияларни қувватлаш — янги замон блан бирга бориш демак эмас. Славян ерлари Европа давлатлари ўртасида бўлиб олинган ва славян халқлари ғарбдаги ва шарқдаги босқинчиларнинг зулми остида жафо чеккан даврлар ўтиб кетди. Эндиликда славян халқларининг иттифоқчи давлатлар қаторида ўз ўринларини олганликлари ва барча славян мамлакатларидаги давлат ишлари тараққийпарвар демократик асосларда ташкил этилаётганлиги ма'лум. Югославия бошқа славян давлатлар ва ғарбий славян давлатлар ўртасида гитлерчиларга қарши иттифоқчилар сафида қаҳрамонона курашда шонли ўрин олди. Шу блан бирга Югославиянинг герман ва итальян оккупациясининг энг оғир зулмига бардош берганлиги ва умумий душманимизга қарши курашда ғоят кўп қурбон берганлиги ҳам ма'лум. Шу сабабдан, Югославиянинг словенлар ва хорватлар яшайдиган Истрияга нисбатан да'воси ва қадар асосли эканлигига ва Италиянинг Истрияга ёки унинг бир қисмига қилаётган да'волари нақадар асоссиз эканлигига шубҳа бўлиши мумкин эмас. Италиянинг ба'зи арбоблари шу вақтгача буни тушинмаган эканлар, бу босқинчилик традициялари яшовчан эканлигини исбот қилади, халос. Ҳолбуки, биз Италия республикасининг ҳақиқатан ҳам янги, чинакам демократик ташқи сиёсатини кўришни истаган эдик. Шу нарса ҳам равшанки, агар янги Италия ана шу йўлдан, я'ни ба'зи славян ерларини ёки бошқаларнинг ерларини зўрлик блан қўшиб олиш йўлидан борса, Италия блан бошқа ҳамма демократик мамлакатлар ўртасида мустаҳкам дўстлик муносабатлари ўрнатилади деб умид боғлаб бўлмас эди. Италиянинг ўзи ҳам Европадаги бошқа ҳамма сулҳпарвар халқлар ҳам Италия республикасининг эски босқинчилик сиёсатига ҳақиқатан барҳам беришидан ва Италиянинг бошқа мамлакатлар блан, биринчи галда ўз қўшнилари блан му'тадил дўстлик муносабатлари ўрнатишидан манфаатдордирлар. Фақат шундагина Италия Европада мустаҳкам тинчликнинг ҳақиқатан муҳим омили бўлади. Ҳаммамиз шуни истаймиз.

Янги Италиянинг миллий тараққиёт сари интилишини табриклаймиз. Аммо биз, Италиянинг бошқалар территориясини босиб олиш йўлидаги уринишлари Италиянинг чинакам миллий манфаатларига муносибдир, деган гапларни э'тироф қилмаймиз. Ма'лумки, бошқа халқларга нисбатан шундай ҳаракат қилиниши ба'зи муайян доираларнинг босиб олиш йўлидаги интилишларини исбот қилади ва халқнинг чинакам миллий манфаатларини асло ифода қилмайди. Халқнинг чинакам миллий манфаатлари даставвал мамлакатдаги ички кучларни тараққий эттириш асосида хўжаликни тиклаш ва бошқа халқлар блан яхши, дўстона муносабатлар ўрнатишдан иборатдир.

III

ШАРТНОМА ВА ИТАЛИЯНИНГ МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРИ

Де Гаспери жаноблари сулҳ шартномасининг иқтисодий моддалари ҳақида гапирмади дейиш мумкин. Ҳолбуки бу моддалар Италия республикасидаги ҳарбир ишчи, ҳарбир деҳқоннинг, ҳарбир гражданининг аҳволига таллуқли бўлиши мумкин ва Италия давлатининг бундан кейинги бутун ҳаётига та'сир кўрсатиши мумкин. Де Гаспери жаноблари шартномаининг иқтисодий моддаларини Конференциянинг ўзидан эмас, балки комиссияларда қараб чиқилиши лозим бўлган иккинчи даражали масалалар қаторига қўйдики, унинг бу ҳаракатини қандай тушиниш мумкин. Ҳолбуки урушда зиёнлашиб қолган Италия ўзининг иқтисодий ҳаётини тиклашда Европадаги бошқа мамлакатлардан кўпроқ орқада қолаётган бўлса керак. Саноатни тиклашдаги мавжуд қийинчиликлар натижасида 2 миллион итальян ишчисининг ҳали ҳам ишсиз қолаётганлигини айтиш кифоя. Италиянинг оккупация ҳаражатлари жуда кўпайиб кетди. Оккупация муддати узайтирилган тақдирда жуда қийин оқибатларга сабаб бўлади. Ҳатто бу ҳаражатлар бирмунча камайтирилганида ҳам, Совет Иттифоқига ва бошқа иттифоқчи мамлакатларга етказилган заарни қисман тўлаш учун Италиянинг ўз зиммасига олган репарациялар ҳақини батамом тўлаши учун етарли бўлур эди.

Италия делегациясининг бошлиғи сулҳ шартномасининг Италия халқининг бутун иқтисодий ҳаётига ва Италия давлатининг бундан кейинги тараққиётига та'сир кўрсатиши мумкин бўлган қисмларига аҳамият бермаётган бўлса керак. Италия раҳбарлари ташқи сиёсий планларга ҳалдан ташқари берилиб, бошқаларнинг ерларини да'во қилиб, ҳарбир итальянни зарур бўлган бир бурда нон блан та'миндаш ва унинг бошқа эҳтиёжлари тўғрисида ғамхўрлик қилишни унутиб қўйганларида ҳам, ҳалқ ўз аҳволини тушинади, албатта. Аммо бунинг оқибатларидан кўз юммаслик керак.

Совет Иттифоқи, масалан, Бирлашган миллатлар сафидаги ҳарқандай ажнабий давлат гражданларига Италиядаги савдо, саноат, кемалар қатнови ва бошқа ҳилдаги савдо-сотиқ ишларига доир бўлган ҳамма масалаларда итальянлар блан тенг ҳуқуқ бериш каби талабларга ғоят эҳтиёткорлик блан қарайди. Ма'лумки, Совет Иттифоқи ажнабий давлатларнинг ва умуман Италиядаги ажнабийларнинг ана шу қаддан ташқари катта да'воларини чеклаш тўғрисида таклиф киргизган эди. Кўп капиталлари ва та'сир кўрсатишда катта имкониятлари бўлган кучли ажнабий давлатларнинг Бирлашган миллатларнинг «тенг ҳуқуқли» эканлигини ва «камситиш» га йўл қўйиш мумкин эмаслигини баҳона қилиб, Италия республикасининг миллий манфаатларига зарар етказиш учун ҳақиқатда ана шу чеклаймаган ҳуқуқлардан фойдаланишлари мумкин. Биз ана шу хавфга э'тиборни жалб этамиз. Биз, ажнабий капиталнинг демократик Италияга нисбатан ана шундай ғоят катта да'воларга қўшила олмаймиз. Бундай да'волар ажнабий трест ва картельларнинг Италияни иқтисодий жиҳатдан асорат остига олишларига сабаб бўлиши мумкин. Вақтинча зиёнлашиб қолган мамлакатлар ва кичик давлатларга нисбатан кўпинча шундай қилинади. Аммо ўзларини кичик халқларнинг ҳимоячилари деб кўрсатучи ба'зи арбоблар бундан кўз юмалилар. Бизнинг фикримизча, Италия ғарбий Истриясиз жуда яхши яшай олади, чунки бу, итальян халқининг чин манфаатларига таллуқли эмас. Аммо агар кучли бўлган ва уруш вақтида кўпроқ бойиган ажнабий давлатларнинг рақобати натижасида Италиянинг саноати ёки савдоси ёҳуд кемалар қатнови зарба ейдиган бўлса, бутун итальян халқи бундан азоб чекади. Бу хавфнинг ўз вақтида олдини олиш учун ҳозир уни олдидан кўриш керак. Италия саноатини ва қишлоқ хўжалигини, шунингдек Италия савдоси ва кемалар қатновини кучли ажнабий давлатларнинг тенг ҳуқуқлик баҳонаси ва камситишга йўл қўймаслик ниқоби остида қиладиган тазйиқидан ҳимоя қилиш (чунки бундай тазйиқ Италия экономикасини асорат остига олиш учун сабаб бўлиши мумкин) уруш орқасида зиёнлашиб қолган бошқа ҳар қандай давлат каби Италиянинг ҳам ғоят муҳим миллий манфаатига таллуқлидир. Бу шубҳасиз. Кичик давлатларни ҳам иқтисодий жиҳатдан ҳулди шундай асоратли шартларни қабул қилишга мажбур этмоқчи бўладилар, биз бунда бу кичик мамлакатлар тўғрисида сўзлаб ҳам ўтирмаймиз. Совет Иттифоқи бошқа мамлакатлар блан бўладиган иқтисодий муносабатларини уларнинг иқтисодий жиҳатдан кўтариш учун қулай шартлар асосида, уларнинг саноати, қишлоқ хўжалигини ва бутун миллий экономикасини ривожлантиришга ёрдам берадиган шартлар асосида кучайтиради. Совет Иттифоқи бошқа мамлакатлар ҳам Италия республикасининг иқтисодий ҳаётини ҳақиқатан шундай шартлар асосида, я'ни иқтисодий жиҳатдан асорат остига олишга йўл қўймайдиган ва Италиянинг мустақиллиги ҳамда озодлигига таҳқиндан та'сир кўрсатиш сиёсатига йўл қўймайдиган шартлар асосида ривожлантириш учун ёрдам беришга тайёр эканликларини айтишларига ишонч ҳосил қилишни истар эди.

Масала шунгача бориб етдики, Италиянинг ўз территориясида граждан авиациясини ривожлантиришда барча ажнабий давлатлар учун Италия «тенг имкониятлар» берсин демакдалар. Бу, Италия башарти ўзи блан дўстона муносабат ўрнатган бирор давлатга Италия территориясида граждан авиациясини ривожлантириш учун қулай шароит яратилган бўлса, у ҳолда Италия ўзи блан чинакам дўстона муносабатлар ўрнатмаган, аммо шундай да'вони қўйишни истаган бошқа ҳар қандай ажнабий давлатга ҳам ўз территориясида граждан авиациясини соҳасида шундай қулай шартларни бериши керак демакдир. Бундай масалаларда «тенг имкониятлар» бериш принципининг амалга оширилиши ҳатто миллий мудофаа манфаатлари блан маҳкам боғлиқ бўлган масалаларда ҳам Италияга нисбатан унинг миллий манфаатларига ва давлат мустақиллигига тўғри келмайдиган талаблар қўйилишини ва бинобарин халқаро адолатга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган талаблар қўйилишини кўрсатади. Бу гапдан «тенг имконият»ларнинг суиисте'мол қилиниши, бошқа сўз блан айтганда, «тенглик» принципининг суиисте'мол қилиниши ва кучсиз мамлакатни кучли мамлакат ихтиёрига топшириш учун бу принципнинг кучсиз мамлакатга нисбатан зўрлик блан амалга оширилиши қандай оқибатларга сабаб бўлиши мумкинлиги тўғрисида хулоса чиқарса бўлади. Италия делегациясининг бошлиғи сулҳ шартномасининг ана шу масалаларига э'тибор қилмади. У бу масалаларни муҳим масалалар деб ҳисобламаган бўлса керак ёки бошқа қандайдир мулоҳазаларга кўра, бу масалалар устида тўхталмаган бўлса керак. Аммо бу масалаларнинг Италия миллий ҳаётининг асосий манфаатларига ғоят таллуқли эканлиги биз учун равшан.

IV

ЯРАШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ ЭМАС, БАЛКИ СУЛҲ ТУЗИШ КЕРАК

Ниҳоят, Италия делегациясининг бошлиғи ҳозирги вақтда вақтинча сулҳ битими тузиш блан чекланиш керак, я'ни ҳақиқатда яраш битимининг муддатини узайтириш керак, қат'ий сулҳ битими тузиладиган вақтни бирмунча чўзиш керак, деган фикрни тўсатдан ўртага қўйди. У Ғарбий Истрияга ва Триестга нисбатан бўлган да'воларини амалга ошириш учун қулайроқ шароит бўлишини кутиб туриш мақсадида вазиятдан фойдаланиб қолиш мўлжаллари борлигини англатиб қўйди. Шу блан бирга у ҳатто, Германия блан сулҳ шартномаси тузилмай туриб Европада тўла тинчлик ўрнатиш мумкин эмас, деди. Ҳолбуки Германия масаласининг Истрия ва Триест тўғрисидаги масалага ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу равшан бир нарса. Афтидан, ба'зи кишилар Ташқи Ишлар Министрлари Кенгашида Триест тўғрисидаги масала юзасидан ўзаро келишилиб чиқарилган қарорни бугун бўлмаса, бирқанча вақтдан кейин бузиш мумкин, деб ўйласалар керак. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ба'зи кишилар Париж Конференциясида фикрларида бўлган ихтилофларни кўзлан кечириб, фурсатдан фойдаланиб қолмоқчи ва бу ихтилофлардан ўзларининг тор мақсадлари учун фойдаланмоқчи бўладилар. Италия делегацияси бошлиғининг бу соҳада жуда зўр бериб ҳаракат қилаётганлиги қизиқдир. Унинг ҳозирги вақтда вақтинча сулҳ битими тузиш блан чекланиш тўғрисидаги таклифи унинг иттифоқчилар ўртасидаги ба'зи ихтилофлардан фойдаланиш йўлидаги ҳаракатлари учун янги имконият топиш ва ба'зи иттифоқчи давлатларни бошқа иттифоқчи давлатларга қарама-қарши қўйиш учун фойдаланиш мақсадида ҳатто ўз мамлакатида ажнабийлар оккупациясини бирмунча чўзишга ҳам рози эканлигини кўрсатади. Бундай сиёсатнинг Италия миллий манфаатлари блан ҳеч қандай алоқаси йўқлигини билиб олиш қийин эмас. Аксинча, ҳозирги вазиятда оккупация муддатининг узоқ вақтга чўзилиши Италияни ажнабий давлатларга тобора кўпроқ қарам қилиб қўяди. Лекин шунга қарамай, Италия раҳбарларидан ба'зилари шу ҳол блан боришга ҳаракат қилсалар, бу ҳол эски ҳукмрон доираларнинг демократик Италияга ёт бўлган ва ҳозирги вақтда ташқи жиҳатдан ҳам қулай истиқболга эга бўлмаган найранглари давом этаётганлигини яна бир марта кўрсатади, халос.

Бу Сулҳ Конференциясида муваққат сулҳ тузиш тўғрисидаги таклиф қувватланиши мумкин эмас. Биз бу Конференцияга Европада тинчлик ўрнатишни кечиктириш учун тўпланганимиз йўқ. Бизнинг вазифамиз, мустаҳкам тинчликни барпо қилишга ёрдам бериш ва ана шу шарафли вазифани умумий куч блан муваффақиятли суратда амалга оширишда иборат. Бу Конференциянинг вазифаларини шу тарзда тушиниш Янги Италиянинг асл манфаатларини ҳам тўғри тушиниш мувофиқдир. Бунга шубҳаланмасак ҳам бўлади.

Италия делегация бошлиғининг нутқи мустаҳкам тинчлик ўрнатишга интилаётган демократик давлатларнинг сиёсатига ёт бўлган эски йўллар ниги Италияда ҳам ҳали йўқотилмаганлигини кўрсатди. Лекин шунга қарамай янги Италияда демократик асосларнинг мустаҳкамланиши Италиянинг бошқа демократик мамлакатлар бораётган йўлга ўтиб олиши учун ёрдам берали деб ишонамиз. Ҳозирги вақтда Конференциямиз Италия блан тузиладиган сулҳ шартномасини тайёрлашга киришмоқда. Бу сулҳ шартномаси ҳам ана шу юксак мақсадларга муносиб бўлиши керак.

Фарғона областида мактаблар ремонти суст бораётир

Бағдод районида (халқ маориф бўлимининг мудири ўртоқ Комилов) мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш ишлари барвақт ва пухта уюштирилди. Бу ишга жамоат ташкилотларининг ёрдами туфайли ремонт тез сур'ат блан борди. Ремонт қилиниши керак бўлган 22 мактаб биноси областьда биринчи бўлиб, 28 июльда тўла равишда ремонтдан чиқарилди. «Большевик» колхози (раиси ўртоқ Йўлдошев) ўз ҳузуридаги 18-нчи ўрта мактабни яхши ремонт қилиб берди ва мактабга 100 кубометр ўтин топширди. Ленинобод қишлоқ советидаги «Қизил қўрғон», Қанғли қишлоқ советидаги «Коммунист» Ултарма қишлоқ советидаги «Ёш Ленинчи» ва Менжинский номли колхозлар эса, янги мактаб бинолари қурмоқдалар. Мактаблар ремонтини ўтказишда юқорида кўрсатилган қишлоқ советларининг раислари Ҳалилов, Қиргизбоев, Гадойбоев ўртоқларнинг яхши хизмат қилганликларини кўрсатиб ўтиш керак.

Горск районида ҳам мактаблар ремонти яхши бораётир. Бунда 19 мактабдан 15 таси ремонтдан чиқариб қўйилди. Янгидан қурилаётган мактабдан биттаси битказилди. Лекин бу районда ўтин тайёрлаш иши ёмон бормоқда. Бунда 882 кубометр ўтиндан ҳозиргача 252 кубометр ҳозирланди, халос.

Аммо, областьнинг ҳамма районларида аҳвол бир хилда деб бўлмайди. Кўп районларда мактаблар ремонти, ўтин тайёрлаш ёмон бораётир. Айниқса, Қува районида ремонт ёмон аҳволда. Мактаб директорлари ва халқ маорифи бўлими раҳбарларининг ремонт ишига мас'улиятсизлик блан қараганликлари сабабли, 29 мактабдан энди 3 таси ремонтдан чиқарилди. Ялпи ремонт ҳали бошланган эмас. Халқ маориф бўлимининг мудири Азизов эса, «қурилиш материаллари бўлмаса, қандай қилиб ремонтни тезлатамиз» деб, районнинг ўзидаги мавжуд имкониятлардан фойдаланмаётир.

Фарғона районида ҳам мактаблар ремонти жиноятқорона суст бораётир. Бу районда 33 мактабдан 18 таси ялпи, 15 таси жорий ремонт қилиниши зарур. Аммо халқ маориф бўлими раҳбарларининг (мудири ўртоқ Расулев) беғамлиги дан, фақат 7 та мактаб жорий ремонтдан чиқарилди. Районнинг Чектўр қишлоқ советидаги 2-нчи, 3-нчи, Арсиф қишлоқ советидаги 19-нчи ва 20-нчи мактабларда ҳали ремонт бошланмаган. Ёрмозор қишлоқ советидаги ўрта мактабда бу йил X синф очилиши керак. Шунинг учун ҳам ҳамма парсани олдиндан тайёрлаб қўйиш лозим. Лекин маориф бўлими раҳбарларининг э'тиборсизлиги сабабли, ҳали ҳеч қанақа иш бажарилгани йўқ. Қишлоқ советининг раиси ўртоқ Қосимов мактаблар ишига ҳар тарафлама ёрдам бериш ўрнига, мактаб интернатининг биносини артельга «ин'ом» қилиб юборган. Бунинг устига мактабнинг бир неча стол-стул ва яна бир деванини тортиб олган. Қосимовнинг мактаб маориф ишига ёмон қараши натижасида қиш учун ўтин тайёрлаш ҳам кечикаётир. 65 кубометр ўтиндан энди 15 кубометри тайёрланган, халос.

Областьнинг шаҳарларида аҳвол яхши эмас. Маргилон шаҳридаги 17 мактабдан ҳозиргача 10 таси ремонтдан чиқарилган бўлса ҳам, қолган мактабларнинг ремонти чўзилаётир. Масалан, 16-нчи ўрта мактабни бу йил ялпи ремонт қилмасдан, ўқув йилини бошлаш мумкин эмас. Шаҳар ташкилотларининг раҳбарлари (ижроком раисининг ўринбосари ўртоқ Николаева) бу ишга э'тибор бермасликлари сақасида ремонт халигача чўзилди. Ҳали шаҳарда қиш учун ёқилғи тайёрлаш ҳам суст. 81 тонна кўмирдан фақат 30 тоннаси тайёрланган. 61 кубометр ўтин ва 80 тонна торфдан ҳали бир грамми ҳам тайёрлангани йўқ.

Фарғона шаҳрида аҳвол бундан ҳам баттар. Бу жойда икки мактаб ялпи, 7 мактаб жорий ремонт бўлиши керак. Халқ маориф бўлими мудири ўртоқ Баскакованинг ўз ишига ўтакетган мас'улиятсизлик блан қараши натижасида атиги икки мактаб жорий ремонт қилинди. Бунинг устига, ёқилғи тайёрлаш ҳам мутлақо қониқарсиз бормоқда. 125 тонна кўмирдан ҳозиргача энди 22 тоннаси тайёрланган. Бу жойда ўқув йилига тайёрлигининг бузилишига сабаб шуки, ўртоқ Баскакова оталик ташкилотларининг ёрдамини уюштирмаётир.

Областьнинг Каганович, Охунбобоев, Молотов ва бошқа районларида ҳам мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш ишлари ёмон бормоқда. Кўп районларда Тошкент қишлоқ райони меҳнаткашларининг ташаббуси оммалаштирилмаётир. Натижада областьда ремонт қилиниши мўлжалланган 390та мактабдан фақат 200га яқини ремонт қилинган. Қайталаб тикланиши керак бўлган 34 мактабдан ҳали бирортаси ҳам тайёрлангани йўқ. Ёқилғи тайёрлаш ҳам суст. Плондаги 18.619 кубометр ўтиндан атиги 3309 кубометри, 581 тонна кўмир ва торф ўрнига эса, фақат 37 тонна тайёрланган.

Областьда ЎзК(б)П Марказий Комитети ва ЎзССР Министрлари Советининг қароридан сўнг ҳам бу соҳада кўзга кўринарли бурилиш бўлган эмас.

К. ЮСУФИЙ.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ХЎЖАОБОД РАЙКОМ СЕКРЕТАРИНИНГ РАҲБАРЛИК УСЛУБИ

(«Қизил Ўзбекистон»нинг Андижон область мухбиридан)

Шу кунларда ғўзанинг сўнгги парвариши ва пахта йиғим-теримига тайёрлик ҳақида сўз очилса, Хўжаобод район партия комитетининг секретари Ўртоқ Ёдгоров Карл Марко номли колхозни албатта тилга олади, бу колхознинг ишини ҳар тарафлама мақтайди. Колхоз ҳам мақтаганча бор.

Ўртоқ Тоштемир Раҳимов раис бўлган Карл Маркс номли колхозда ғўзалар жуда яхши парвариш қилинган. Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар туп ғўзада 16—17 тадан тайёр кўсак бор. Шундай бўлса ҳам, бу колхоз а'золари ҳосилга-ҳосил қўшиш учун курашиб, чопиқ ва культивацияни давом этдирмоқдалар. Колхозда пахта йиғим-теримига тайёрлик ишлари қизиғмоқда.

Районда бу йил ғўзани яхши парвариш қилган, ҳозир йиғим-теримга пухта тайёрланаётган колхозлардан яна бир нечтасини кўрсатиш мумкин, лекин улар кўпчиликни ташкил қилмайди. Хўжаободнинг кўп колхозларида ғўзанинг сўнгги парвариши жуда ёмон бораётир. Ҳалига қадар бир қатор колхозларда пахта йиғим-теримига тайёргарлик бошлангани йўқ.

Манас қишлоқ советидаги Оржоникидзе номли колхозни мисолга олиш мумкин. Бу колхозда (раиси Ўртоқ Ризаев) ғўзалар жуда сифатсиз чопиқ ҳамда культивация қилинганидан ҳосил кам бўлиб қолган. Колхозда 20 гектар ғўза бир марта чопиқ қилинганича ташлаб қўйилган.

Коммуна қишлоқ советидаги «Политотдел», Ленин, Сталин номли колхозларда ҳам аҳвол бундан баттар. Бу колхозларда 350 гектардан ортиқ ғўзани кўрган киши ачинади. Ёш ва яхши ҳосил олмаган ғўзалар ёввоий ўтлар орасида кўмилиб ётади. Лекин, ғўза қатор ораларида ишлаётган киши жуда кам.

Октябрь қишлоқ советидаги «Социализм», «Мустаҳкам», Каганович номли, Наймон қишлоқ советидаги «Пахтаобод», Калинин номли ва бошқа ўнлаб колхозларда 2.000 гектардан ортиқ паст ғўзалар парвариш қилинмай ташлаб қўйилган.

Нима учун Хўжаобод районида бундай аҳвол юз берди? Чунки, Хўжаобод район партия комитетининг секретари ғўзаларнинг аҳволини областьнинг қолоқ деб аталган Балиқчи районидаги ғўзалар аҳволига таққослаб: «Уларникига қараганда бизники яхши» деб ҳукм чиқармоқда, озчиликни ташкил қилаётган илғор колхозларнинг ғўзаларига мағрурланиб ҳали паст ва кам ҳосил ғўзаларни ҳисобга олмай қўйган.

Мана бунга доир бир мисол: Хўжаобод районы Андижон районы билан мусобақадош. Бундан 10—15 кун илгари Андижон пахтакорларининг вакиллари Хўжаободнинг пахта далаларида бўлиб, ғўзанинг охирги парвариши даврида содир бўлган жиддий камчилик ва хатоларни очиқлар. Улар мусобақадошларидан паст ғўзалар парваришига алоҳида э'тибор бериш, пахта йиғим-теримига пухта тайёргарлик кўришни талаб қилишди. Ўзаро текшириш бригадаси аниқлаган камчиликлар ҳақида областьда чиқадиган «Коммунист» газетасида танқидий мақола ҳам босилди. Лекин, ўзаро текшириш бригаласининг Хўжаободда ўткан йиғилишларда қилган танқиди ҳам газетанинг танқидий хабари ҳам район партия комитетининг секретари Ўртоқ Ёдгоровга ёқмади.

У, ўзаро текшириш бригадасини кўп товозн'лар билан жўнатгач, орқасидан худди тош отгандай бўлди. У районнинг активлари ўртасида «ўзларининг ғўзалари бизникидан ёмон» деб хотиржамликка берилди. Газетанинг хабари район партия комитетида муҳокама қилиниши керак эди. Лекин Ўртоқ Ёдгоров буни хохламади. У бюро а'золари билан келишмай хабарни муҳокама қилдирмай туриб, тўғридан-тўғри якка ўзи область газетасининг редакциясига (айниқ): «Районимиз ҳақида ёзган хабарларингиз бутунлай нотўғри» деб хат ёзди.

Хўжаобод район партия комитетининг секретари Ўртоқ Ёдгоров умуман танқидни ёқтирмайди. Хўжаобод районы ҳақида газеталарда қандай хабар босилмасин, кўпчилик партия, совет активлари тўғри деб танқидга тан берадилар. Аммо, Ўртоқ Ёдгоровнинг ўзигина бу хабар ёлғон деб шовқин солади. ЎзК(б)П Марказий Комитетининг колхоз Уставини бузиш ва жамоат мол-мулкини талон-тарож қилишларига қарши кураш чоралари тўғрисида чиқарган қарорини муҳокама қилиш юзасидан йиғилишлар ўтар экан, бу йиғинларда колхоз активларига сўз берилмайди. Кўп йиғилишларда одат бўйича фақат район партия комитетининг секретари Ўртоқ Ёдгоровнинг ўзи бир-бир ярим соат сўзлаб, мажлисни ёпиб кетаверади. Бу партия, совет активларини большевистик ўз ўзини танқид рухида тарбиялаш ўрнига, ма'муриятчиликка мойил ҳаракатдан бошқа нарса эмас.

Хўжаобод колхозларида, қишлоқ советларида, район партия комитетининг бюро ва район ижроия комитетининг президиум мажлисларида Ўртоқ Ёдгоровнинг таклифи билан ҳеч суриштирмай колхоз раҳбарлари, қишлоқ советларининг раисларига хилма-хил жазо чоралари кўрилаберади.

Хўжаобод қишлоқ советининг раиси Ўртоқ Мамасоли Эминов 14 ой ичида 6 виговор, 3 «навид», 2 марта огоҳлантириш олибти. Учтепа қишлоқ советининг раиси Бобожоновга Ўртоқ Ёдгоровнинг таклифи билан 16 ой ичида 8 виговор, 2 марта қаттиқ виговор, 10 га яқин огоҳлантириш берилган.

Район партия комитетининг иш усулида бундай ма'муриятчилик фактлари тез-тез учраб турали. Район партия комитетининг бюро а'золари, район ижроия комитетининг президиум а'золари қиш бошидан битта-битта қишлоқ советига мас'ул вакил қилиб бириктирилганлар. Улар ўзларини фақат бириктирилган қишлоқ совети иши учун жавобгар деб биладилар. Бошқа қишлоқ советларидаги колхозларда иш қандай бораётганини бюро йиғилишларида Ўртоқ Ёдгоровдангина билиб оладилар.

Бу ҳол Хўжаобод районида қишлоқ хўжалик ишлари устидан коллектив раҳбарликнинг бўшашиб кетишига сабаб бўлмоқда. Хўжаобод райкоми ва биринчи навбатда Ўртоқ Ёдгоров ғўзанинг сўнгги парваришини намунали ўтказиш, ўсишдан орқада қолган ғўзаларни яхши парвариш қилиш, пахта йиғим-теримига пухта тайёрланиш ва қишлоқ хўжалик ишларидаги жиддий камчиликларни тугатиш учун раҳбарлик услубини тубдан ўзгартириши керак.

Т. АБДУВАЛИЕВ.

„БИЛИМДОНЛАР"

Ўзбекистон Коммунал—хўжалик министрлиги кадрлар бўлимининг бошлиғи Ўртоқ Расуловнинг партбюро секретари бўлиб сайланганига 2 ойча бўлган бўлса ҳам, ҳалигача у партия ташкилотининг ишлари билан танишиб чиқмабти. У коммунистлар ўртасида сиёсий ўқувнинг қандай бораётганлигидан хабарсиз. Шунинг учун ҳам қандай савол берсангиз, партбюронинг собиқ секретарига ҳавола қилади.

Ўртоқ Кошиль бўлса:—биздаги коммунистлар институтларни битирган, мутахассис кишилар тўрт-беш йиллаб сиёсий ва ижтимоий фанлардан дарс бериб келганлар ҳам бор. Улар марксизм-ленинизм классик асарларидан жуда кўп ўқиган. Шунинг учун сиёсий ўқишни ташкил этиш ортиқча деб ўйлайди. У ташкилотдаги 45 коммунистнинг ҳаммасини бир хилда ўқиш-ўрганишга сра мухтож бўлмаган «олимлар» деб ҳисоблайди.

Ҳақиқатда шундайми?

Министрлик қурулиш идорасининг бошлиғи, партбюро а'зоси Ўртоқ Лебедев билан бўлган суҳбатда, у мен партия тарихини кўп ўқиганман, беш йил институтда тарихдан дарс бердим деб мағрурланиб гапирди.

— Партиямизнинг номи қачон ва қайси съездан берли ВКП(б) деб ўзгартирилди? деган саволга у, 1917 йил 1-нчи съездан берли, деб нотўғри жавоб берди. — XIV партия съезди қачон бўлган? деган саволга осонгина:

— Унутибман, деб жавоб қайтарди.

Ўзбекистон коммунал энергия бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ Войнштейн ҳам «сиёсий билимдонликда» Ўртоқ Лебедевдан қолишмайди. У XVIII партия съездининг қачон бўлиб ўтганини ҳам айтиб беролмайди. Кекса коммунист Солиҳовдан партия тарихининг қайси бобини ўқиётирсиз деб сўраганда, 14-нчи бобини деб жавоб берди.

Ҳатто партбюро секретари Расулов ва министр ўринбосари Кантарович Ўртоқларнинг ўзлари ҳам ўзбек халқи 1946 йилда мамлакатга қанча пахта бериши кераклиги ҳақидаги оддий саволларга жавоб қайтаролмадилар.

Коммунал хўжалиги министрлигидаги коммунистларнинг партия тарихига ва сиёсатга доир масалаларга чалкаш жавоб беришларига сабаб нима?

Бунинг асосий сабаби коммунистларнинг қўлларидаги дипломларига ва қачонлардир бир вақт институтни битирганларига мағрурланиб, ўз малакаларини ошириш учун ҳаракат қилмаётганликларидир. Шунисн ачинарликкт, министр Ўртоқ Шомуродов ҳам партия ташкилотининг ишлари билан ўз ходимларининг сиёсий-гоявий савияси билан қизиқмайди. Партия ҳисобот сайловидан кейин ҳам партия ташкилотида ҳеч қандай ўзгариш бўлмади.

Партбюронинг янги состави икки ойдан бери ҳатто партия ташкилотининг ишини ҳам қабул қилиб олмаган. Коммунистлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. 1946 йилда фақат 2 марта лекция ўтказилган, халос.

Москва район партия комитети министрлик билан бир бинода жойлашган. Лекин, райкомнинг агитация ва пропагандa бўлими бу ташкилотда партия ўқувининг аҳволи билан қизиқмайди ва уларга амалий ёрдам бермайди.

М. ЭЛМУРОДОВ.

Сталин номли Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқуччиси Ўртоқ Ш. Комилова 1946 йилги ишлабчиқариш планини 16 октябрьда бажариш ва пландан ташқари минг метр хом сурп тўқиб бериш мажбуриятини олди.

Суратда: Ўртоқ Комилова иш устида.

В. Лейн фотоси.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ТАБИИЙ БОЙЛИКЛАРИ

Ғозғон мармари

Тоғларимизда учрайдиган мармар тоши республикамиз табиий бойликларидан биридир. Нурота тоғларида мармар тоши айниқса кўп. Бу жойдаги Ғозғон мармари Урал ва Совет Иттифоқининг бошқа ўлкаларидаги мармарга қараганда анча яхши.

1932 йилда Ғозғон қишлоғида ташкил қилинган мармар комбинати Москвада қурилаётган янги биноларни безатиш учун мармар бера бошлаган эди. Тошкентдаги «Недра» артели ҳам Ғозғон мармаридан ҳархил маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олди. Кейинроқ бу комбинат артель билан бирлашиб, ишни янада яхшироқ йўлга қўйди.

Уруш вақтида республикада мармар саноатида бутунлай иш олиб борилмади. Аммо, ҳозир тинч қурилиш шароитида ҳам бу соҳани ёққа бостириш учун деярлик жуда кам иш қилинаётир. «Недра» артелининг мармар буюмлар цехида ишчилар сони 10 кишига етмайди. Бу цех ҳозирги кунда электр саноати учун керакли мармар плиталар тайёрлаш билан кифояланмоқда. Ваҳоланки, мармар тошидан жуда кўп буюмлар тайёрлаш мумкин. Ғозғон мармаридан қилинган косаларга ўхшаган ва бошқа шу каби идишлар қимматбаҳо қашқарий, хитой идишларидан ҳам чиройли бўлади. Чунки Ғозғон мармари ўзининг ранг-баранглиги, хилма-хиллиги ва чиройлилиги билан Хитой ва Қашқар мармаридан ажралиб туради.

Бундан ташқари мармар тошидан жуда кўп уй-рўзғор буюмлари, зеби-зийнат ва кенг иste'мол моллари ишлаб чиқариш мумкин.

Москва шаҳрида қурилган Советлар Саройи Ғозғон мармари билан безатилган. Тошкент шаҳрида тушаётган янги биноларни архитектура жиҳатидан безатишда ҳам бу мармардан фойдаланишимиз керак. Бу мармар республикамиз пойтахти ҳуснига-ҳусн қўшсин.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини электрлаштириш учун кўп миқдорда мармар плита ва бошқа материаллар керак. «Недра» артелининг ишлаб турган мавжуд цехи бу талабларга тўла жавоб беролмайди.

Хўш, республикамизнинг бу табиий бойлигидан қандай қилиб яхшироқ фойдаланиш мумкин? Бу тўғрида мен шундай фикрга келдим:

Ғозғон қишлоғида республика аҳамиятига эга бўлган ва мармар буюмлар ишлаб чиқаруви корхона барпо этиш, шунингдек ҳунармандчилик кооперацияси йўли билан артель ташкил қилиш вақти келган.

Артельда камида 4 та цех бўлиши, у республикадаги қурилишлар, жамоат ва хўжалик ташкилотларининг буюртмаларини қабул қилиши лозим.

Уруш вақтида кетиб қолган усталар мармар саноатига янада тортилиши, шунингдек ёшлардан шогирдлар қабул қилиниши, мармар тарошловчи ва пардозловчи усталар етиштирилиши керак.

Мавжуд «Недра» артели мармар цехининг аҳволи ачинарли бўлиб қолган. У ёрдамга муҳтож. Бу артельга ҳам ҳар тарафлама ёрдам бериш, унинг молиявий аҳволини яхшилаш, цехларини кенгайтириш, ускуналаш, мармар буюмларнинг янги ва янги хилларини ўзлаштириш керак.

А. ХАЙТОВ.

ҚАЛАЙИ КОНИ ТОПИЛДИ

Самарқанд атрофида ер таги бойликларини текшираётган бир гуруҳ геологлар Хатирчи районида қалайи борлигини аниқладилар

Яқин кунларда қалий чиқариш учун тайёрлик ишлари бошланади.

ТЎРТ ҚАБАТЛИ ЯНГИ БИНО

Тошкент шаҳрининг Навоий кўчасида ЎзССР Озиқ-овқат саноат министрлиги учун тўрт қабатли янги бино қурилмоқда. Янги бинода 200 кишилик лекция зали ва доимий кино зали бўлади.

Бинода министрлик аппарати ва унинг бошқармалари жойлашади. Графикка кўра, қурилиш шу йил Октябрь байрамигача битказилади.

Ш. ШЕРМАТОВ.

Париж Сулҳ Конференциясида

13 август эрталабки ялпи мажлис

ПАРИЖ, 13 август (ТАСС махсус мухбиридан). Бугун эрталабки мажлисда раислик қилучи Бирне Конференцияни олиб бориш тартибини яна қўпол равишда бузди.

Кеча Буюк Британия ва Америка Қўшма Штатлари вакилларининг Италия декларациясини муҳокама қилдирмаслик йўлидаги уриниши барбод бўлганидан кейин, Бирне сўзга чиқиб гапиришни истаган кишиларнинг ҳаммасини рўйхатга ёзишга тайёр эканлигини билдирди. Ҳаммадан аввал совет делегацияси сўз берилишини талаб қилди ва Бирнс: «эртага эрта билан сўзлайдиган нотиқлар рўйхатига Молотов жаноблари шодлик билан ёзаман», деди.

Аммо, бугун эрта билан Бирне рўзномани ҳам, нотиқларнинг рўйхатини ҳам э'лон қилмай, тўсатдан — Совет Иттифоқи вакилига эмас, балки Ҳабашистон вакилига сўз бермоқчи эканлигини айтди, чунки Ҳабашистон вакили олдинроқ сўз берилишини сўраган эмиш. Ҳолбуки, кечаги куни бу тўғрида гап ҳам бўлмаган эди. Бирснинг гапи шу жиҳатдан айниқса қизиқ тўйилдики, мажлис бошланган чоқда Ҳабашистон вакили залда йўқ эди ва шунинг учун у чиқиб сўзлай олмади.

Совет делегациясининг вакили Вишинский ялпи мажлисларнинг ишида тартиб ўрнатилишини талаб қилди.

— Кейинги мажлисларнинг тажрибаси, — деди Вишинский, — шуни кўрсатдики, делегациялар тўсатдан қўйилаётган масалалардан хабардор бўлмаганлиги учун, ҳарқандай англашилмовчиликлар юз бермоқда. Совет делегацияси ишга киришишдан аввал муайян бир рўзнома бўлишини талаб этади. Биз бугунги рўзнома нимадан иборат бўлишини билмаймиз; олдимизда қандай масалалар турганлигидан хабардор эмасмиз, музокараларга қандай нотиқларнинг ёзилганлигидан ҳам бехабармиз. Тажриба, ана шундай сабабларга кўра, англашилмовчиликлар юз бераётганлигини ва бундай англашилмовчиликларни бартараф қилиш учун ортиқча вақт сарф бўлаётганлигини кўрсатади. Биз рўзноманинг ва нотиқлар рўйхатининг э'лон қилинишини сўраймиз.

Бирнс бу нутққа тамомила мужмал жавоб қайтариб, мажлиснинг рўзномасини ҳали секретариатдан олмаганлигини, рўзнома олиниши билан уни Конференцияга ма'лум қилажагини айтди. Бирнс музокараларга фақат икки нотиқ, я'ни Ҳабашистон вакили ва СССР вакили ёзилганлигини айтди. Ҳабашистон вакили мажлисда йўқ эди. Шундан кейин у совет делегациясининг бошлиғи Молотовга сўз берди.

Конференция қатнашчилари Молотовнинг нутқини зўр э'тибор билан тингладилар. Молотов нутқи олқишлар билан бўлиниб турди.

Молотов нутқидан кейин Ҳабашистон вакили Таззасга сўз берилди.

Ҳабашистон вакили, менинг мамлакатим Италиянинг агрессияда қатнашганлиги учун жавобгар бўлишини талаб қилади деб та'кидлади.

— Ҳабашистон делегацияси, — деди у, — Италия вакилининг Италияга қарашли илгариги мустамлакалар қайтарилиб берилиши керак деб айтган гапларидан таажжубланади. Италия вакили 1935 йилда агрессияда қатнашиш учун мустамлакаларга келган ўн мингларча фашистларнинг яна мустамлакаларга қайтарилишини талаб қилади. Де, Гаспери мустамлакаларга қайтарилишини талаб этаётган итальянлар ҳарбий асир ва ма'лум фашистлар бўлиб, уруш даврида ана шу территориялардан сургун қилинган эдилар.

Ҳабашистон делегацияси Италия вакилининг баёнотида Италиянинг ўз агрессияси қурбонларига ва жумладан, Ҳабашистон халқига қаттиқ жафо берганлиги ҳақида ақалли таассуф билдириб айтилган гапларни ҳам эшитмади. Италия Ҳабашистон халқига қарши ҳатто заҳарли газларни ҳам ишлатган эди.

Ҳабашистон вакили бундай деди: де Гаспери ўз сўзида бошқаларнинг ерларини босиб олишни талаб қилдики, бу унинг ўтмиш билан ҳарқандай алоқасини узган янги демократик Италия вакили сифатида гапираётирман деган сўзларига тамомила қарама-қаршидир.

Шундан кейин Греция вакили Цалдарис нутқ сўзлади. У Италия баёнотининг юзасидан бўлаётган музокаралардан агрессиянинг қурбони бўлган Албанияни агрессор Италия билан бир қаторга қўйиш йўлида илгари рад этилган да'воларини яна такрорлаш учун фойдаланмоқчи бўлди. У Албанияга яна туҳмат қилди ва Албаниядан ер талаб қилди. Цалдарис айтдики, Греция ҳукумати Италиядан унинг Грециядан етказган зарарларини тамомила қоплайдиган миқдорда репарация олишни талаб қилади.

* * *

Бугун матбуот вакиллари учун ажратилган жойда Америка делегациясининг бошлиғи Бирснинг раислик қилишда мисли кўрилмаган усул ишлатганлиги тўғрисида кўп гапирмоқдалар. Раислик қилишдаги ана шу ярамас усулни бошқа бирқанча газеталар ҳам та'кидламоқдалар.

«Либерасьон» газетаси Конференциянинг кечаги мажлиси тўғрисида «Қизғин мажоролар ва тартибсиз музокаралар» деган сарлавҳа остида босиб чиқарган ҳисоботида қуйидагиларни ёзади: «кеча Сулҳ Конференциясида ҳунук бир манзара рўй берди. Муҳокама қилинаётган масала муҳим бўлмаганида, бу манзара кулгили бўлур эди. Музокаралар ҳеч қа'чон бу қадар тартибсиз ва бесаранжом ўтмаган эди».

Парижда чиқадиган бошқа газеталар ҳам буни та'кидламоқдалар. «Фигаро» газетаси ёзади: Бирнс провардида «Вишинскийнинг келтирган далилларига тан беришга» мажбур бўлди. «Юманите» Бирнс «яқиқ фактлар олдида тан берди» деб ёзади.

Америкaнинг Парижда босилаётган «Нью-Йорк геральд трибюн» газетаси раислик қилучи Бирснинг Конференция пленуми қарорларини нотўғри баён қилганида, совет вакили Вишинский томонидан фош этилганлигини батафсил тасвирлайди. Шу муносабат билан Бирнс ўтган мажлиснинг стенограммасини талаб қилди ва стенограмма билан танишиб чиқанидан кейин, совет вакилининг ҳақлиэканлигини э'тироф қилишга мажбур бўлди.

«Об» газетаси Бирснинг нотўғри ҳаракатини афтидан бирмунча оқлаш ниятида бундай деб ёзади: Бирнс «ҳақиқатан ҳам америкаликларча такаллуфсиз раислик қилмоқда». Агар газета бу дабдабали ибораси билан ҳозирги кунда «Америка усулида» раислик қилиш ҳаддан ташқари такаллуфсизликдан иборат демоқчи бўлса, газетанинг бу фикри шубҳасиз тўғридир.

13 август кечки ялпи мажлис

ПАРИЖ, 13 август. (ТАСС махсус мухбиридан). Бугун кечки мажлисда Румония билан тузиладиган сулҳ шартномаси лойиҳаси тўғрисида Румония делегациясининг баёноти тингланди.

Румония ҳукумати номидан Румония ташқи ишлар министри Татареску гапирди.

ТАТАРЕСКУ СЎЗИ

Татареску ўз сўзининг бошида Ташқи Ишлар Министрлари Кенгаши таклиф этган сулҳ шартномаси лойиҳаси муносабати билан Румония ҳукуматининг фикрини баён этиш имкониятини берганлиги учун Конференцияга ташаккур изҳор қилди. Татареску Гитлернинг Шимолий Трансильваниани ўзбошимчалик билан Венгрияга қўшиш тўғрисида 1940 йилда Венада имзолаган битимини бекор қилганлиги ва Румония билан Венгрия ўртасида 1938 йилгача давом қилган чегарани тиклаганлиги учун Министрлар Кенгашига миннатдорчилик билдирди.

Сўнгра Татареску сулҳ шартномаси лойиҳасининг айрим моддалари тўғрисида Румония ҳукуматининг фикрини баён қилди.

Татарескунинг айтишича, шартнома лойиҳасида Румониянинг иттифоқчилар томонида туриб урушганлиги кўрсатилмаган, бунга Румония ҳукумати таассуф билдиради, ҳолбуки Румония бўлиб ўтган урушнинг сўнгги даврида ўз ҳарбий ва иқтисодий кучларини умумий душманга қарши курашга қаратди, сулҳ шартномаси лойиҳасида буни кўрсатиб ўтиш керак эди. Татарескунинг эслатиб ўтишича, румин халқи 1944 йил 23 августдан бошлаб ўз қуролини Германияга ва унинг шерикларига қарши қаратди, катта хавф-хатарга қарамай, кўп қурбонлар бериб, фашистлар Германияси билан бўлган ҳалокатли ҳамкорлик занжирларини парчалаб ташлади. Румониянн фашистлар Германияси билан ҳамкорли қилишга бир тўда муттаҳамлар ва хоинлар мажбур қилган эди. Румония қисмлари Қизил Армия қўшинлари билан бирлашиб герман ва венгер қўшинларига қарши жанг қилдилар.

Татареску Бирлашган миллатларнинг умумий иши учун олиб борилган курашда Румониянинг кўрган ҳарбий тадбирлари тўғрисида батафсил ма'лумот берди.

Татареску, сулҳ шартномаси лойиҳасида Германия билан Венгриянинг Румонияга товон тўлаши тўғрисида ҳеч нарса айтилмаганлигини кўрсатиб, бу мамлакатларнинг Румонияга етказган зарарларини улардан тўлатишни талаб қилади. Румония барча халқларнинг армиясини ва қуроллaнишини чеклаш тўғрисида Бирлашган миллатлар ташкилоти қабул қиладиган ҳамма тадбирларга қўшилади. Аммо Румония сулҳ шартномаси лойиҳасида Румониянинг ҳарбий кучларини чеклаш тўғрисида белгиланган ва жазо чоралари тусида бўлган тадбирларни адолатсиз деб ҳисоблайди.

Татареску сулҳ шартномаси лойиҳасининг иқтисодий масалаларга доир моддаларига тўхталиб, бу моддаларнинг ба'зиларини бажариш қийин, бу моддалар мураккаб бўлганлиги ва аниқ ифода қилинмаганлиги сабабли олдиндан кўриш ва аниқлаш мумкин бўлмаган сун'ий талаблар учун йўл очиши мумкин, деди.

(ДАВОМИ ТЎРТИНЧИ БЕТДА)

ФИДОКОРЛАР ВА БЕҲАЁ КИШИЛАР

I.

Қуёш тикка кўтарилиб, ҳарорат кучайган. Дарахтлар ва ўсимликларнинг барглари суратдек сокин. Кетманчилар пешана терларини дамба-дам қўл орқалари ёки енг учлари билан артиб, қаторлар орасида ғайрат билан илгари силжимоқдалар. Хас-хашаклардан тозаланган озода пахтазор кўм-кўк денгиздай кўз тортади. Бўлиқ ва текис ўсган ғўзалар қучоғида туриб, бир киши кулиб қарали. Фидокорона меҳнат билан табиат устидан ғалаба қозонаётган бу бахтиёр одамнинг чеҳраси нақадар иссиқ ва кўркам. Уни бригадир Эгамбердиев дийдилар. Ўртоқ Эгамбердиев бошчилигидаги бригада бу йил 40 гектар ерга чигит экди. Яхши ҳайдалиб экилганидан чигит ҳамма жойда бир текис униб чиқди. Бригада а'золари ғўза парваришига зўр бердилар. Тўрт марта чуқур чопиқ, беш марта культивация ўтказилди, қондирилиб суғорилди. Ғўза тез кўтарилиб шоналаб кетди. Ҳозир ўрта ҳисоб билан ҳар туп ғўзада 10—15 та кўсак санаш мумкин. Шуниси диққатга сазоворки, ғўза қанчалик етилса, улар шунчалик парваришни кучайтирдилар. Саратоннинг жазирама иссиғида ҳам кетманни қўлларидан туширмадилар. Жон қийновчи оғир меҳнат машаққатини баланд ҳосилга бўлган умид енгди. Етилган пахтазор бегубор бир ойнадек мўл даромад, бахт ва обрўдан дарак бериб, уларни илҳомлантириб турди.

Бу меҳнат паҳлавонларининг ажойиб ғайрати Ҳамид Олимжон номли колхознинг бошқа бригадаларига ҳам ижобий та'сир этди. Умумий меҳнат кўтаринкилиги вужудга келди. Ана шунинг туфайли бу колхоз районнинг энг илғор колхозлари қаторига ўтди. Худди шундай Сталин қишлоқ советидаги Будённий номли колхоз ҳам (раиси Ўртоқ Муқимов) ғўза парваришини ҳар тарафлама қизиқтиб юбормоқда. Ҳозир 305 гектар ғўза серҳосил бўлиб, тез етилаётир.

II.

Бу колхозлар доирасидан кўп ҳам узоқ бўлмаган Хайробод қишлоқ советидаги Каганович номли колхознинг даласига ўтилса, тамоман бошқача манзарага кўз тушади. Киши гўё чамандан келиб, чўлга чиққандай ҳис қилади. 500 гектардан ортиқ ғўзаси бўлган бу катта колхознинг ғўзалари қаровсиз аҳволда. Кўп ғўзалар парвариш кўрмаганидан бўйи 20 сантиметрга етмасдан очиладиёр. Учинчи бригада бошлиғи Эрматов ўт босиб кетган бир гектарча ғўзани яйловга айлантириб, мол боқаётир. 5-нчи бригалада икки гектар ғўза ҳали ҳам ягана қилинмаган. 6-нчи бригадада ярим гектар ғўзани ҳайдаб мош экилган. 7-нчи бригада бошлиғи Юсупов 15 гектарча ғўза майдонини қаровсиз ўз ҳолига ташлаган. Шерматов бошлиқ бригадада 30 гектар ғўза майдони сра парвариш қилинмаганидан ердан кўтарилолмаётир.

Бу колхозда ма'дан ўғит бел-курак билан ҳар жой-ҳар жойга ташланганидан кўп ғўзалар куйиб кетган. Культивация фақат омоч билан қилинаётир. Бирон қартада ҳам тартибли суғорилган ер йўқ. Агротехника кетма-кет бузилаётганига қарамай, участка агрономи Шокир Оқилов пинагини бузмайди. У ўтакетган лапашанг, бепарво одам. От миниб вайсаётган бошқа касби йўқ. Хуллас аҳвол шу даражага етганки, колхозда 500 гектардан ортиқ пахталан 50 гектар тузук етилган пахта қолмаган.

Колхоз раиси Қосимов ниҳоят бепарво ва беҳаё одам. Раис янги уйлангани учун, тафтиш комиссиясининг раиси Олимов инжиғлиги учун хотинларини ишга чиқармайдилар. Ҳосилот советининг раиси, омборчи, бош табельчи, хўжалик мудири ва 10 та бригадирнинг хотинлари «бетоб» бўлганликлари учун доимий равишда ишга чиқмайдилар. Ана энди меҳнатга ярайдиган 665 колхозчидан 324 тасининг нима учун ишламаслигини ўзингиз топаберинг.

Колхоз бухгалтери планда белгиланган 2 минг 400 меҳнат куни тўла бажарилган деб дафтарга қайд қилган. Кўпчилик ишламаса, вазифа бажарилмай ғўза сувсиз, чопиқсиз қолаётган бўлса, ахир бу меҳнат куни қаёққа сарф бўлган, ким ишлаган уни? Бу сўроққа колхозда ҳеч ким жавоб беролмайди.

Сталин қишлоқ советидаги «Победа» колхозида 80 гектар ғўзани ўт босган. Шундан 20 гектари тамоман ҳосилдан қолган. Чопиқ бу ерда ўт ўришдан иборат. Ғўза шолипояга ўхшатиб суғорилади. Ма'дан ўғит ғўза бергларига сепилади. Бу участкада агрономлик қилаётган колхоз раисининг акаси Раҳмонов мутлақо мас'улият ҳис қилмайди. Токчилик қишлоқ советида 500 гектар ерга чигит эккан. Куйбишев номли колхозда ҳам аҳвол худди шундай. Звено бошлиғи Ҳадичахон ер участкасини ҳали ҳам билмайди. Колхозда яхши етилган 5 гектар ғўза бор. Ҳамма звено бошлиқлари бу ерни ўзларинники қилиб кўрсатишга уринадилар, чунки колхозда кўп вақт ҳашар тартибида иш олиб борилган. Бу ерда кўп ғўзалар қуриб қолган. «Коминтерн» колхозида (раиси Ўртоқ Муродов) ғўза учун берилаётган 250 литр сув фақат томорқаларга юборилаётир. Шу сабабдан кўп ғўзалар қовжираб қолмоқда.

Хулоса қилганда, Жиззах районидаги аксарият йирик пахтакор колхозларда меҳнат интизоми йўқ. Район ва қишлоқ советлари, колхоз правлениялари раҳбарлари нуқсонларга қарши жиддий кураш олиб бориб, фавқулодда чораларни амалга оширмасалар, бу йилги ҳосил хавф остида қолаётир.

САИД НАЗАР.

Париж Сулҳ Конференциясида

(БОШИ ҮЧИНЧИ БЕТДА).

«Иттифоқчи давлатларга тўланиши лозим бўлган товон масаласига келганда, — деди Татареску, — биз шуни айтмаслан ўта олмаймизки, Совет Иттифоқи бошқа ҳарбир давлатга қараганда ҳам Румониядан тўла товон тўлашни талаб қилишга ҳақлидир. Шунга қарамай, Совет Иттифоқи Румониядан унинг айби блая етказилган зарарнинг бешдан бир қисмини тўлашни талаб қилиш блан қаноатланди. Румония ба'зи иттифоқчи ва бирлашган давлатлар территориясида уруш ҳаракатлари олиб бормаган эди. Ҳолбуки бу давлатлар Румонияга шунлай оғир талабларни қўйиларки, бу — Румониянинг иқтисодий аҳволини ёмонлаштириб қўйди».

Румония вакилининг айтишича, Румония олинга қўйилаётган ба'зи талаблар билвосита етказилган ва ҳатто етказилмаган зарарни тўлашни да'во қилишгача бориб етади.

Сулҳ шартномаси лойиҳасининг 30-нчи моддаси Румония ҳукуматини ташвишлантирди. Бу моддага биноан, Румонияда ма'лум давр мобайнида ва жуда аниқ бўлмаган шартлар блан барча Бирлашган миллатларга катта қулайлик берадиган тартиб қўлланилмоғи керак. Бу амалда, Румония ўша мажбуриятларни ўзи учун ҳеч нарса талаб қилмай бажариши лозим, деган сўз бўлур эди. Иқтисодий спёсат соҳасида Румониянинг мустақиллиги бузилган бўлур эди. Бундай шароитда Румониянинг экономикасини тиклаш йўлида кўрилаётган ҳамма чоралар натижа бермаган бўлур эди. Румония ҳукуматининг фикрича, сулҳ шартномасига бундай моддаларнинг киритилиши асоссиздир, чунки уруш ҳаракатлари ёки уларнинг оқибатлари ҳам буни талаб қилмайди.

Татарескунинг айтишича Румония ҳукумати одатдаги савдо муносабатлари йўли блан ҳалол тўпланган мол-мулк тўғрисида ҳам, зўрлик блан босиб олинган мол-мулк тўғрисида ҳам бир хил тартиб белгиланишини адолатсизлик деб ҳисоблайди.

Румония вакили ўз сўзининг охирида бундай деди:

«Румония ҳукумати шу фикр ва мулоҳазаларни тақдим қилиш блан бирга шуни айтишни истайдики, озод халқлар ўртасида ўзига муносиб ўринни яна олиш ва бу ўринни сақлаш орзуси блан руҳланган Румония сулҳ шартномасига биноан ўз зиммасига олган ҳамма мажбуриятларни ҳалол бажара олади.

Шартнома лойиҳаси Румониянинг чегараларини белгилаб бериши блан Европанинг бу қисмида юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай жанжалларни бартараф қилади ва румин халқининг ўз қўшнилари блан тинч ва аҳл яшашини та'миналайди. Биз Совет Иттифоқига ва Бирлашган миллатларга қарши олиб борганимиз фожиали урушнинг оқибатларини тугатишга интилмоқламиз».

Татареску ўз сўзини тамомлагандан кейин Румония делегацияси мажлис залидан чиқиб кетди. Раис Бирис Конференция а'золарига Румония делегацияси баён қилган мулоҳазалар тўғрисда ўз фикрларини айтишни таклиф этди. Совет делегациясининг вакили Вишинскийга сўз берилди.

А. ВИШИНСКИЙ СЎЗИ

Раис жаноблари, жаноб вакиллар! Биз ҳозиргина Румония делегациясининг баёнотини эшитдик. Бу баёнотни делегация раиси Татареску жаноблари айтиб берди. Баёнотда Румония блан тузиладиган сулҳ шартномаси лойиҳаси тўғрисида Румония ҳукуматининг қараши, мулоҳазалари, ба'зи танқидий фикрлари ва иститкалари баён қилинди. Биз янги демократик Румонияни табриклаймиз. Биз демократик Румонияни гитлерчилар Германиясиз ҳужумига дучор бўлган демократик мамлакатлар олдидаги ўз айбини енгиллатишга интилаётганлиги учун табриклаймиз. Румония гитлерчилар Германиясининг шерикларидан бири бўлган эди. Биз Румония ҳукуматини — Румониядаги бирлашган демократик кучлар ҳукуматини — ўтмишдаги фашизмнинг қабиҳ қолдиқларини, фашизм ва темир гвардиячиларнинг ҳамма сарқитларини таги-томири блан йўқотишга қарор берилганлиги учун табриклаймиз. Фашизм ва темир гвардиячилар румин халқини уруш қулфатларига тортдилар. Жиноятчи Антонеску ва унинг шериклари румин халқини уруш гирдобига тортган эдилар. Румония ҳукумати румин халқининг продасини ифода қилиб, мамлакатни демократлаштириш, демократик ислоҳотлар ўтказиш йўлига далил қилдим қўйди. Румония ҳукумати демократияга, халққа қарши бўлган тескаричи кучларнинг демократик ислоҳотларга қаршилик қилиши туфайли юз бераётган кўп қийинчиликларга қарамай, ўз олинга турган ана шу вазифаларни ҳал қилиш йўлида зўр бериб изчиллик блан ишламоқда. Тескаричи кучлар Румонияни демократлаштиришга, Румониядаги ҳозирги ҳукумат амалга ошириб турган демократик ислоҳотларга халақит беришга жон-жаҳдлари блан уринмоқдалар, саботажлик ва террорчилик каби ҳаракатларгаи ҳам тортинмайдилар.

Румония ҳукумати ўз қўшинлари блан дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга зўр бериб интилмоқда, бу блан барча демократик сулҳпарвар мамлакатлар блан ҳимкорлик қилишга астойдил интилаётганлигини та'кидламоқда.

1944 йил 24 августда Румония ўзининг ташқи сиёсатини кескин ўзгартди. Бу вақтда ҳали уруш ҳаракатларининг бунлан буён қандай ривожланажаги ма'лум эмас эди, гитлерчилар Германиясининг тақдири етарли даражада равшан эмас эди. Румония ҳамма уруш майдонларида Совет Иттифоқига қарши уруш ҳаракатларини тамомила тўхтатди, у Бирлашган миллатларга қарши уришчилар қаторидан чиқди, у Германия ва унинг шериклари блан муносабатни узди, у иттифоқчи давлатлар тарафида туриб Германия ва Венгрияга қарши уруш бошлади. 1944 йил 12 сентябрьда тузилган яраш битимига мувофиқ Румония умумий душманимизга, я'ни барча Бирлашган миллатларнинг душманига қарши урушиш учун камида 12 дивизия ва уларга зарур қисмалар юбориш мажбуриятини олди. Румония бу ҳаракати блан Бирлашган миллатларга, даставвал, Германия ва унинг шериклари ҳарбий ҳужумидан бошқа мамлакатларга кўра, кўпроқ азоб чеккан Совет Иттифоқига ёрдам берди.

Уруш ҳаракатларининг бунлан кейинги бориши румин халқининг бу ҳаракати катта аҳамиятга эга экانлигини та'кидлади. Бу ҳаракат шунда ифодат бўлдики, румин халқи Гитлер малайи бўлган Антонеску ҳукуматини йиқитди, демократик мамлакатлар тарафига ўтди, гитлерчилар Германиясига ва унинг содиқ шериклариига қарши курашда актив қатнашган мамлакатларнинг бири бўлди.

Румония ҳукумати қариб икки йилдан буён яраш тўғрисидаги битимчи, жумладан, битимнинг бу мамлакатлаги етказган бевосита зарар учунгина эмас, балки билвосита етказилган зарар учун ҳам Румонияга мас'улият юклашни таклиф этди, я'ни, бошқача қилиб айтганда, Рим ҳуқуқида ма'лум бўлган „damnum emergens, lucrum cessanc" принципни амалга оширишни таклиф этади.

Бу —ҳозирги шароитда Румониянинг қурби ётмайдиган мажбуриятдир. Бу шунга бир сабаб бўлдики, зарарларни тўлатиш масаласига ҳар ким ўзича қараганлиги сабабли, Министрлар Кенгашида бу масалада бир фикрга келинмади. Министрлар кенгашида 27-нчи ва 30-нчи моддалар тўғрисида ҳам бир фикрга келинмади. Конференциямизнинг бундан кейинги ишида биз бу моддалар мувофиқлаштирилур деб ишонамиз.

Совет ҳукумати ва совет делегацияси бошқа делегациялар—совет ҳукумати ва совет делегациясининг асосли ва адолатли йўлини э'тиборга олурлар ва шу асосда ҳамма вакиллар бир фикрга келурлар деб ишонадилар.

Совет делегацияси, зарарларни тўлаш ма'лум бир доира блан чекланиши, етказилган зарарнинг бир қисмигина тўланиши керак, деган асосий принципга амал қилади, чунки Бирлашган Миллатларга қарши урушда қатнашиб, уларга зарар етказган мамлакатларнинг ҳозирги объектив шароитини ва объектив аҳволини э'тиборга олганда, бу мамлакатлар етказилган зарарнинг ҳаммасини тўлай олади деган умид блан улардан етказилган зарарнинг ҳаммасини тўлашни талаб қилиш имконияти йўқ. Совет делегацияси бундан икки йил муқаддам Румония блан, шунингдек Германиянинг бошқа шериклари блан яраш битими тузган вақтда ҳам шу асосий принципга амал қилгач эди. Бажариб бўлмайтиган талабларни қўйиш— адолатсиз бўлиш блан бирга, ақлга ҳам мувофиқ эмасдир. Совет делегацияси енгилган бошқа давлатларга нисбатан ҳам ана шу талабни, я'ни етказилган зарарнинг бир қисмининигина тўлаши керак деган талабни қўйди. Бу талаб Румонияга нисбатан ҳам. Финляндия, Венгрия, Болгарияга нисбатан ҳам адолатлидир. Бу, Совет Иттифоқининг талабларига нисбатан ҳам Бирлашган миллатлар сафидаги бошқа мамлакатларнинг талабларига нисбатан ҳам адолатлидир.

Совет Иттифоқи шу принципга амал қилиб, икки йил мобайнида Румония 1944 йил 12 сентябрьда тузилган яраш битимига мувофиқ ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажарган вақтда Румониянинг ҳақиқий аҳволини назарга олиб, унга бирқанча енгилликлар берди. Товон тўлаш муддати 6 йилдан 8 йилга узайтирилди Шартномачинг эн муҳим моддаларини масалан яраш тўғрисидаги битимнинг 10-нчи, 11-нчи 12-нчи моддаларини бажаришда ҳам енгилликлар берилди

Румония ҳукумати вакилининг бу ерда тинглаган декларациясида совет делегацияси жавоб беришни ёки тузатиш киритишни ёки махсус фикр билдиришни талаб қилган бирор принципиал қонда йўқ деб ҳисоблайди Совет ҳукумати Румония ҳукуматининг ўз мамлакатига демократик мамлакатлар сулҳпарвар халқлар оиласига кириш учун қаттиқ қўллик блан йўл очаётганлигини қониқиш блан та'кидлаб ўтади Румония ўзининг илгариги ташқи ва ички сиёсатини тугатиб, ўз жамоат ва давлат тузумини изчиллик блан демократлаштиришдан иборат янги йўллан борайётганлиги сабабли, биз ҳаммамиз сулҳ шартномаси лойиҳасида буни э'тиборга олишга интилмоғимиз. Румониянинг бу янги йўлда қилаётган ҳаракатини осонлаштирмоғимиз, барча демократик мамлакатлар блан ҳамкорлик қилишни ва дўст бўлишни истаётган Румония блан яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамламоғимиз керак (Олқишлар).

Вишинский сўзлаб бўлганидан кейин Чехословакия делегациясининг бошлиғи Масарик киска нутқ сўзлади.

Масарик Чехословакия номидан айтдики. Румония чехословак халкига унинг немис босқинчиларга қарши олиб борган курашининг энг оғир пайтида ёрдам берди

Масарик эслатиб ўтдики, румнлар совет-герман фронтида фашистларга қарши жанг қилишни истаган кўпгина чех солдатларининг СССРга ўтишига ёрдам бердилар. Румин халқи ўк давлатлари томонида туриб урушишни истамади.

Румин халқи урушнинг охирида ўз қуролини немис босқинчиларга қарши қаратди. Чехословакия халқи Румония кўшинларининг Чехословакия территорияси да кўнгилли равишда немисларга қарши жанг қилганликларини. Чехословакиянр озод қилишга ёрдам берганликларини унутмайди.

Чехословакия вакили сулҳ шартномаси лойиҳаси муносабати блан Румония ҳукумати томонидан қўйилган талабларнинг катта талаб эмаслигини кўрсатиб ўтди. Масарик ўз сўзини, мен Совет Иттифоқи вакилининг олижаноб нутқини табриклайман ва бу нутққа қўшиламан, деб тамомлади.

Сўзга чиқучилар тамом бўлганлиги сабабли, раис музокаралар тугади деб э'лон қилди.

ЮГОСЛАВИЯ ҲУКУМАТИ АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ҲУКУМАТИГА НОТА ТОПШИРДИ

БЕЛГРАД, 12 август (ТАСС). Югославия территорияси устида Америка аэропланлари доимо пайдо бўлаётганлиги муносабати блан Югославия ҳукуматининг Америка Қўшма Штатлари ҳукуматига топширган нотаси кеча газеталарда э'лон қилинди.

Нотада айтилишича, «шу йил февраль ойидан бошлаб то ҳозирги кунгача Югославия давлат территориясининг ғарбишимолий қисми устида, шунингдек Югославия ҳарбий ма'мурлари қўл остидаги территория устида иттифоқчиларнинг аэропланлари, айниқса Америка аэропланлари ўзбошимчалик блан борган сари кўпроқ пайдо бўлмоқда». Нотада айтилишича, Югославия ҳукумати Югославия давлатининг мустақиллигини бу тарзда бузиш йўл қўйилмайдиган бир ҳол эканлигини бирнеча марта кўрсатган бўлса ҳам, бу ҳол ҳамон давом этмоқда.

«Югославия Федератив Халқ Республикасининг ҳукумати, — дейилади нотанинг охирида, — Америка аэропланларининг Югославия устида доимо учиб юришига қарши қат'ий норозилик билдиради ва Америка Қўшма Штатлари ҳукуматидан Америка ҳарбий аэропланларининг бундан буён Югославия давлат мустақиллигини бу хилда бузишини тўхтатиш учун дарҳол қат'ий чоралар кўришини сўрайди Ҳукумат, Америка Қўшма Штатлари ҳукумати тегишли ҳарбий бошлиқларни қатъиқ мас'улиятга тортар ва кўрган чоралари тўғрисида Югославия Федератив Халқ Республикаси ҳукуматига ахборот берар деб умид қилади. Югославия Федератив Халқ Республикасининг ҳукумати айниқса иттифоқчи мамлакатга нисбатан халқаро ҳуқуқнинг ҳурмат этилишини талаб қилиш блан бирга, Америка Қўшма Штатлари ҳукуматидан Югославия территориясининг мустақиллигини химоя қилишни мақсад қилиб қўйган Югославия Федератив Халқ Республикаси ҳукуматининг талабига тез жавоб беришни сўрайди».

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИГА ЯНГИ А'ЗОЛАР ҚАБУЛ ҚИЛУЧИ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИДА

НЬЮ-ЙОРК, 14 август (ТАСС). 12 августда Бирлашган миллатлар ташкилотининг секретариати қўйидаги ахборотни э'лон қилди. Хавфсизлик Кенгашининг Бирлашган миллатлар ташкилотига янги а'золар қабул қилиш масалалари блан шуғулланучи комиссиясининг ёпик мажлисида совет вакили Красильников Эйренинг Бирлашган миллатлар ташкилоти а'золигига қабул қилиш тўғрисидаги илтимосини ёқламади. Шу блан бирга Красильников бу масалага кенгроқ тўхталажагини айтди. Англия, Франция, Хитой, Америка Қўшма Штатлари, Мексика, Голландия, Бразилия ва Миср вакиллари Эйренинг илтимосини қувватладилар. Польша вакили бетараф қолди.

Афғонистоннинг Бирлашган миллатлар ташкилоти а'золигига қабул қилиш тўғрисидаги илтимосини СССР, Америка Қўшма Штатлари, Англия, Франция, Хитой, Бразилия, Миср, Голландия, Польша вакиллари қувватладилар. Австралия вакили бетараф қолди.

Комиссия Албаниянинг аризасини муҳокама қилишни тегишли саволларга жавоб олинганига қадар кечиктирди. Комиссия Мўғулистон Халқ Республикасининг ҳукуматига бериладиган саволларни ҳам ма'қуллади.

ФРАНЦУЗ АДМИРАЛЛАРИ СУД ҚИЛИНА БОШЛАДИ

ПАРИЖ, 13 август (ТАСС). Париж радиоси билдиради: 12 августда Версалда олий судда адмиралларнинг иши кўрила бошлади Булар 1942 йил ноябрь ойида Тулонда Француз флотини ботиришда айбланадилар. Адмираллардан Абриаль ва Марки суд қилинмоқда. Адмирал Офаннинг иши сиртидан кўрилди. Адмирал де Лаборд бетоб бўлганлиги сабабли унинг ишини кўриш кечиктирилди.

Олий суд мажлисида хоин Фладаннинг ўқланишига қарши норозилик билдириб суд а'золиги вазифасини бажаришдан бош тортган коммунистлар қатнашмаётирлар.

Айбдорлар, миллий мудофаа соҳасида хиёнат қилиш, душман блан алоқа боғлаш ва миллий территорияни мудофаа қилиш учун зарур бўлган ҳарбий кемаларни қастдан ботиришда айбланадилар.

ПАРИЖ, 14 август (ТАСС). Франс Пресс агентлиги Версалдан билдиради: суд а'золари Тулондаги флотни ботиришда айбдор бўлган адмиралларнинг иши юзасидан ҳукм чиқардилар. Офан умрбод каторга ишларига, умрбод ҳуқуқдан маҳрум этилишга ва бутун мол-мулкини мусодара қилишга; Абриаль 10 йил каторга ишларига ва ҳуқуқдан маҳрум қилинишга; Марки 5 йил каторга ишларига ва гражданлик ҳуқуқларидан умрбод маҳрум этилишга ҳукм қилинди.

ИРОҚДАГИ «ИСТИҚЛОЛ» ПАРТИЯСИ ТЎҒРИСИДА ЭРОН ГАЗЕТАЛАРИНИНГ ЕЗГАНЛАРИ

ТЕҲРОН, 14 август (ТАСС). Теҳронда чиқадиган газеталар ҳинд қўшинларининг Басрага келиши, араб шайхларининг араб мамлакатлари иттифоқига мурожаати ва Ироқда «Истиқлол» партиясининг тузилиши муносабати блан Англиянинг Эронга нисбатан тутган сиёсатини қаттиқ танқид қилмоқдалар. «Истиқлол» партияси Эрон валюяти бўлмиш Хузистонни Ироққа қўшишни талаб қилмоқда.

29 июльгачаги бу партиянинг Хузистонни талаб қилаётганлиги ма'лум бўлмаган вақтгача «Эрони мо» газетаси, бу партиянинг ташкил этилганлиги ва тутган йўли тўғрисида ба'зи ма'лумотларни берган эди Газетада бу партия Нури Саиднинг иштироки блан араблар томонидан тузилган деб ёзилган эди. Бу араблар фашистларга тарафдорликдан иборат ишларни қилганликлари учун бир вақтлар қамоққа олиниб, инглиз лагерьларида ётган эдилар. Партия программасининг асосий моддалари панарабизм ва панисломизмдан иборат. Бундан советларга қарши пропаганда юргизиш сифатида фойдаланмоқдалар. Бу партия курдлар, эронлар ва яҳудийларга қарши ҳам пропаганда олиб бормоқда.

«Раҳбар» газетаси ёзади: «Истиқлол» партияси фашист партиясидир. Бу партия инглизларнинг империалистик сиёсати учун бир қурол бўлиб, Эрон халқ партиясига ва Эрон ҳукуматига қарши чиқмоқда.

ВЕНГРИЯДА ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯЛАРНИ ДАВЛАТ ИХТИЕРИГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

БУДАПЕШТ 12 август (ТАСС). Венгрия Миллат мажлиси электростанцияларни давлат ихтиёрига олиш тўғрисида саноат министрлиги томонидан тақдим этилган қонун лойиҳасини икки кун муҳокама қилди

Каттэ электростанцияларнинг бир қисми илгаридек давлат қўлида эди. Тақдим этилган қонун лойиҳаси хусусий кишилар қўлида бўлиб, умум давлат аҳамиятига эга бўлган бошқа электростанцияларни ҳам давлат ихтиёрига топширишни кўзда тутади. Қонун лойиҳаси жам'и 20 минг киловаттдан ортиқ қуввати бўлган электростанцияларни давлат ихтиёрига олишни кўзда тутади.

Давлат ихтиёрига олинадиган электростанциялар ва электр шахобчаларининг эгалари ўз мулкларининг ҳақини оладилар.

Миллат мажлиси электростанцияларни давлат ихтиёрига олиш тўғрисидаги қонунни қабул қилди.

АНГЛИЯ ЛЕЙБОРИСТЛАР ПАРТИЯСИНИНГ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ВАРШАВАГА КЕЛДИ

ВАРШАВА, 12 август (ТАСС). Англия лейбористлар партиясининг Гарольд Ласки бошлиқ делегацияси 11 августда Москвадан Варшавага келди.

ГРОНИНГЕНДА ШАХМАТ ТУРНИРИ БОШЛАНДИ

ГААГА, 13 август (ТАСС). Бугун кечаси Гронингенда халқаро шахмат турнирининг биринчи давраси тамом бўлди: Смислов Видмарни (Югославия), Ботвинник Сабони (Венгрия), Эйве Яновскийни (Канада), Лундин (Швеция) Стейнерни (Америка) ютди. Болеславский Гимар блан (Аргентина) дуранг қилди. Қолган 5 ўйин кечиктирилди.

14 август кундуз соат 2 да иккинчи давра бошланади.

„Тоҳир ва Зуҳра" Иркутск урмонида

Кеча одатдаги машғулотдан кейин, Н-нчи қисм жангчилари, сержант ва офицерлари Иркутск ўрмони ичида тўпландилар. Уларга ҳукумат мукофотлари топширилди. Шундан кейин, «Тоҳир ва Зуҳра» фильм кўрсатилди. Ўзбек совет кинематографиясининг бу маҳсулотини жангчи ва офицерлар катта мароқ блан тамоша қилдилар.

Қисмимиздаги ўзбек жангчилари ўз халқларининг янги маданияти ва сан'ати блан фахрландилар. «Тоҳир ва Зуҳра» фильми барча миллат жангчилари орасида катта муваффақият қозонди.

Р. Б. НУҒМАТОВ.
Иркутск.

ОСОАВИАХИМЧИЛАР

Қўқон темирйўлчилари мамлакатнинг мудофаа қувватини янада кучайтириш мақсадида Осоавиахимга кўплаб а'зо бўлмоқдалар.

Паровоз депосида оз вақт ичида 700 киши а'зо бўлиб ёзилган ва 2минг сўмга яқин а'золик бадали тўпланган. Бундан ташқари, вагон депоси, йўл дистанцияси ва кондукторлар резерви қошида ҳам Осоавиахим ячейкалари ташкил қилинди.

А. МУҲАММАДИЙ.

ЯНГИ НЕФТЬ ҚУДУҒИ

«Андижон нефть»нинг ўртоқ Калганов бошчилигидаги нефть қудуғини пармаловчи илғор бригада ўзаро мусобақалашиб, 115-нчи сон янги қудуқни пармалаб тамомлади ва уни фойдаланишга топширди

Бу қудуқ 800 метр чуқурликда бўлиб, бошқа қудуқларга қараганда нефтьга анча бой эканлиги аниқланди.

Янги қудуқ блан Андижон шаҳри ўртасида 8 километр янги автомобиль йўли қурилди.

ПАННАВАРАЛИ КАМПИР

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги Чиғатой кўчасида туручи Хонна Бобохоновнинг уч ўғли ва уч қизи бор. Шу фарзандларидан туғилган 95 невара, 30 та авара ва чевараси бор. Бахтиёр бувининг иккита паннавераси ҳам катта бўлаяпти. Хонна бувининг невараларга Ватан уруш фронтларида қаҳрамонона курашдилар. Уларнинг кўпчилиги СССР орден ва медаллари блан мукофотланганлар. Кампирнинг невараси Борис Бобохонов Қизил Армия сафида 7 йил хизмат қилиб, Сталинграддан Берлингача жанг қилиб борди. Ҳозир у 7та орден ва медаль блан мукофотланиб қайтди. Бу онанинг ўғли Михаил Галибовнинг кўксида 5 та орден ва медаль ялтираб турибди. Кампирнинг 3 невараси врач, 2 таси инженер, катта невараси Фрида Муллаева ЎзССРда хизмат кўрсатган артисткалир.

98 ёшга тўлган кони Хонна бувни айтади: «Мен бахтиёрман. Ниятимга етдим. Фарзандларим, невара-чевараларим яхши кун кўришаяпти. Улар ҳам Сталин замонасида муроларига етишди».

Хонна буви ҳали ҳам тетик. У панневарасининг ҳам фарзандини кўрмоқчи.

БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Совет ёзучилар союзи 19 август, душанба куни «Муқимий» номли театрнинг ёзлик биносида (Пушкин боғи ёнида) Сталин мукофоти лауреати, академик-ёзучи Ойбек ижодига бағишланган адабий кеча ўтказади.

Кечада Ойбек ижоди тўғрисида ЎзССР Фанлар академиясининг вице-президенти Ўртоқ Саримсоқов доклад қилади, шоирлар ўз асарларини ўқиб берадилар, катта концерт берилади.

Таклифномаларни Ўзбекистон Совет ёзучилар союзидан олиш мумкин.

Кеча соат 8—30 минутда бошланади.

Ўзбекистон Совет ёзучилар союзи.

Мас'ул муҳаррир Ўринбосари
Р. САХИБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ЎЗОПЕРА ТЕАТРИДА («Свердлов» театри биносида) — 18 августда Лайли ва Мажнун. 4 парда, 6 кўринишли опера. Сталин мукофоти лауреатлари СССР халқ артисти Ҳалима Носирова ва ЎзССР халқ артисти Мукаррама Турғунбоева, ЎзССР халқ артисти Қори Яқубов, ЎзССРда хизмат кўрсатган артистлар ва театр солистлари қатнашади. Спектакль кеч соат 9 да бошланади.

МУҚИМИЙ ТЕАТРИДА (Пушкин номли боғ, ёзги театр) — 16 августда Офтобхон, 17 августда Тоҳир ва Зуҳра.

ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ЕШ ТАМОШАБИНЛАР ТЕАТРИДА (Ҳамза кўчаси, 8-нчи уй) —

17 августда Шерзод ва Гулшод, 18 августда Қаҳрамон. Спектакллар кундуз соат 4 да бошланади.

СТАЛИН НОМЛИ БОҒДА (Комсомол кўли) — 17 ва 18 августда Авиация кунига бағишланган катта сайиллар бўлади. Аэропланда «Эйфель минораси» атрофида учиш аттракциони кўрсатилади. Боғнинг майдончаларида — қизиқчи ва масхарабозларнинг тамошалари бўлади Сайил кеч соат 6 да бошланади

18 августда болалар сайили ўтказилади. Республика қўғирчоқ театрининг спектакли қўйилади Боғда кемалар, болалар темир йўли ва отлар бор. Сайил эртаси соат 10 да бошланади

ЕЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОТ-ФРОНТ» — 1) Гашландик бола, 2) киножурнал Нюрнберг суди; «НАВОИЙ» — Катта вальс; «9-НЧИ МАЙ» —Шох йиғитлар; «ОКТЯБРЬ» — Ажойиб табиатли қиз; «ВАТАН» — янги бадиий фильм Давид Гурамишвили; «ИСКРА» — янги бадиий фильм Қасам; «УДАРНИҚ» — Аринка; «ТЕЛЬМАН» — Айбсиз айбдорлар; «ПОБЕДА» — Ўнуч (қозоқ тилида); «ВЕСНА» — Аршин мол олон.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун иккала залда Балерина; «ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун Миргород; «НОВОСТИ ДНЯ» — кундуз ва кечқурун Денгиз сафарида.

Ҳамза номли Ленин орденли Ўзбек давлат академик драма театрида
1946-47 ЙИЛГИ ТЕАТР МАВСУМИ БОШЛАНАДИ
17 ва 18 августда
МУҲАББАТ
Спектакль кеч соат 9 да бошланади. Касса кундуз соат 3 дан очилади.

Охунбобоев номидаги Ўзбек ёш тамошабинлар театрида
(Ҳамза кўчаси, 8-нчи уй)
16 августда
КОНЦЕРТ
Театрнинг бутун коллективи қатнашади. Концерт кеч соат 9 да бошланади.

«ГУЛИСТОН» ЖУРНАЛИ РЕДАКЦИЯСИДА
доимий ишлаш учун:
секретарь-машинистка, хат ташучи, уборщица
КЕРАК
Алексеев кўчаси, 8-нчи уй, биринчи қаватда 9-нчи хонага келиб учрашилсин

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕАТР САН'АТИ ИНСТИТУТИ
қўйидаги бўш вазифаларда:
1) режиссура, 2) актёрлик сан'ати, 3) театр тарихи, 4) адабиёт тарихи, 5) саҳна сўзи, 6) музика фанлари кафедраларининг мудирлари — профессорлар;
режиссура кафедрасининг доценти; актёрлик сан'ати кафедрасининг доцентлари (ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик қорақалпоқ бўлимларига);
театр тарихи кафедрасининг доцентлари вазифасида ишлаш учун
КОНКУРС Э'ЛОН ҚИЛАДИ.
Конкурсда қатнашишни хоҳлаган кишилар институт директори номига ариза ёзиб, институт канцеляриясига (Тошкент шаҳар, Пушкин кўчаси, 31-нчи уй) қўйидаги ҳужжатларни топширадилар: 1) қисқача таржимаий ҳоли, 2) илмий унвон ва даражаси ҳақида ҳужжат, 3) илмий асарларининг, қўйган спектакль ва ўйнаган рольларининг рўйхати, 4) илмий ва бадиий муассасаларнинг, шунингдек айрим олим ва сан'ат арбобларининг фикрлари.
Конкурс муддати 1946 йил 15 сентябрьгача. Ҳужжатлар 1946 йил 1 сентябрьдан кечикмай топширилсин.

Тошкент шаҳар, Сталин район, 10 бўлим халқ суди билдиради, А. Е. Павловнинг Н. Н. Волковдан ажралиш ҳақидаги аризаси судда кўриш учун қабул қилинди.

Тошкент шаҳар, Марказий район, 2-нчи бўлим халқ суди билдиради, Э. Холматовнинг Ғ. Холматовадан ажралиш ҳақидаги аризаси судда кўриш учун қабул қилинди.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЯТ АДРЕСИ: Тошкент, Алексеев кўчаси, № 8. РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ мас'ул муҳаррир на'ниг қабулхонаси — 36545 мас'ул муҳаррир ўринбосари — 32918, мас'ул секретарь — 31638, мас'ул секретарь ўринбосари — 33468. партия бўлими — 34780. совет қурилиши бўлими — 31226. қишлоқ хўжалиги бўлими — 33469, саноат бўлими — 31048, хатлар бўлими — 32347, Нашриёт директори — 34786
Тошкент шаҳар «Правда Востока» ва «Қизил Ўзбекистон» босмахонаси. Тиражи 64,5 минг № 54. Р.00931: